Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 254 (20. 2 22) • 1988 йил 4 ноябрь • жума Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитетида кенгаш

2 ноябрь куни КПСС Марказий Комитетида марказий органларнинг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари билан ўтказилган кенгашда партия ва ҳукуматнинг аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш, социал-иқтисодий ривожланишни ва мамлакат агросаноат комплексида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тўғрисидаги қарорлари қайта қуришнинг биринчи галдаги долзарб вазифаси сифатида қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди.

Кенгашни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев кириш сўзи билан очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси Ю. Д. Маслюков муҳокама этилган масала юзасидан ахборот берди.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси В. С. Мураховский, СССР шарқий районларда қурилиш министри А. А. Бабенко, СССР минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министри Н. М. Ольшанский, СССР кўмир саноати министри М. И. Шчадов, СССР Халқ контроли комитетининг раиси С. И. Манякин, СССР авиация саноати министри А. С. Сисцов, СССР Халқ таълими давлат комитетининг раиси Г. А. Ягодин, СССР ўрта машинасозлик министри Л. Д. Рябев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети машинасозлик бюросининг раиси И. С. Силаев, СССР химия саноати министрининг биринчи ўринбосари А. Н. Устькачкинцев, СССР бинокорлик материаллари саноати министри С. Ф. Военушкин шу проблемалар юзасидан қилинаётган ишлар ва таклифлар ҳақида маълумот бердилар.

Кенгаш якунида М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, О. Д. Бакланов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ю. П. Баталин, И. С. Белоусов, Л. А. Воронин, В. К. Гусев, В. М. Каменцев, Б. Л. Толстих, ВЦСПС раиси С. А. Шалаев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети аппаратининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(ТАСС).

ЎҚИТУВЧИ

БУ МАСЪУЛИЯТЛИ ВА МУҚАДДАС КАСБ ЭГАЛАРИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ОЛДИНГИ МАРРАСИДА БОРИШЛАРИ КЕРАК

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жума Шукуровни романтикликлар мураббий ўқитувчи сифатида ҳурмат билан тилга оладилар. У қирқ йилдан буён Ф. Ҳўжаев номли ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан самарали дарс бериб келаётир. Коммунист Ж. Шукуров ҳар бир дарсни кўргазмали қуроллар асосида олиб боришга интилади, мактаб ислоҳотини изчил ва жадал амалга оширишни ўз виждоний бурчи, деб билади.

Республикамизда бундай фидойи, тажрибали ва новатор ўқитувчилар кўп. Гулистон шаҳридаги 6-мактабдан А. Михеенко, Тўрақўрғон районидаги 29-мактабдан Т. Минбоева, Ленинград районидаги 10-мактабдан А. Ботожиев, Андижон шаҳридаги 32-мактабдан М. Абдураҳимов, Қарши шаҳридаги 13-мактабдан Х. Тўхтамишева, Урганч шаҳридаги 3-мактабдан К. Шоймардонова, Қўнғирот шаҳридаги Бердақ номли мактабдан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Иємбергенов синфларни юзлаб новатор ўқитувчилар қайта қуришнинг фаол иштирокчилари бўлишга эришмоқдалар. «Ўқитувчи — қайта қуришда қатнашувчи энг муҳим шахсдир, — деб таъкидлаган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев. — У бизни эътиқод, билимдонлик ва эҳтирос билан қўллаб-қувватласа — қайта қуришнинг кўпдан-кўп янги астойдил тарафдорлари ва курашчилари, революцион социалистик ишнинг давомчилари майдонга келаверади! Бошқарти у бизни юзаки қўллаб-қувватласа, бефарқ, бетараф қолса-чи! Бундай бефарқлик қандай социал турғунликка, қандай тескари ҳаракатга олиб бориш мумкинлигини олдиндан ким айтиб бера олади!»

Ўқитувчи ўзи тинимсиз ўқиб-ўрганган тақдирдагина ўқитиш ҳуқуқига эга бўлади. Чунки фан ва техника соҳасидаги билим тобора ортиб бораётир. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқитувчи доимо ўз устида ишлаши, дарс беришнинг замонавий усулларини эгаллаши керак. Халқ таълими органлари педагогика меҳнатининг энг яхши намуналари, таълим ва тарбия бериш методикасини такомиллаштиришдаги изланишлар қўллаб-қувватланиши ва оммалаштирилиши зарур.

Билим сифати биринчи ўринга чиқиши лозим. Бу ўқитувчининг билимдонлиги ва ташаббускорлигига боғлиқ. Қайта қуриш ҳар бир кишини имтиҳондан ўтказмоқда. КПСС XIX Бутииттифоқ конференцияси қабул қилган резолюцияларда партия, совет органлари зиммасига ёшларга таълим ва тарбия бериш соҳасига снёсий раҳбарлик савиясини қатъиян ошириш, ўқув юртлари ишининг мазмунини чуқур ўрганиш, вужудга келаётган муаммоларни билимдонлик, ишчанлик билан ҳал этиш вазифасини юклади. Ҳақиқатан, халқ таълимига партия раҳбарлигида педагог кадрлар, ўқитувчининг ижтимоий обрўсини ошириш, мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан кўра масъулиятлироқ иш йўқ.

Ўқитувчига муносабат пайсалга солинмай ўзгартирилмоғи керак. У касбининг характерига тўғри келмайдиган вазифалардан озод этилиши, бутун куч-ғайрати, асосий эътиборини таълим-тарбия муаммоларига қаратмоғи лозим. Педагогикадаги новаторлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоғи, ўқитувчининг ижодий меҳнати учун зарур шароитлар туғдирилиши зарур. Янги дарсликлар, қўлланмалар яратиш ишига новатор ўқитувчилар жалб этилиши шарт. Партия ва совет органлари буни доимо назарда тутишлари даркор.

Республикамизда болаларга таълим ва тарбия беришда ўз йўлларини излаётган ажойиб новатор ўқитувчилар ишламоқдалар. Ана шундай мураббийлардан бири — Наманган шаҳридаги 18-ўрта мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Собир Турғуновдир. Ўқитувчи ўз кучи билан 2,5 мингдан ортиқ ўқув-кўргазмали қурол ва дидактик материаллар тайёрлашга эришди. Синф кутубхонаси 300 дан ортиқ болалар бадиий китобига эга. Чирчиқ шаҳридаги 20-мактабнинг ўқувтарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари А. Лисовскаянинг фаолияти ҳам эътиборга сазовордир. Бундай юксак малакали ўқитувчилар нақадар кўп бўлса, мактаблар қолоқликдан, расмиятчиликдан тезроқ халос бўлади, революцион қайта қуриш иши ҳам манфаат кўради.

Аммо айрим мактабларда илғор педагогик тажрибани ўрганиш, умумлаштириш, ва энг асосийси, кенг ёйишда суст-кашлик, нўноқлик, ўқувсизлик ва расмиятчилик ҳолларига дуч келинмоқда. Ўқитувчининг ўз иши учун ва ўз дарсининг сифати учун масъулиятини тубдан ошириш, ҳар бир мактаб коллективида ўзаро талабчанлик ва ижодкорлик вазиятини вужудга келтириш лозим.

Ўқитувчилар, мураббийлар, бош пионервожатийларни аттестациядан ўтказиш педагогик меҳнат обрў-эътиборини кўтаришнинг муҳим воситаси ва касб маҳоратини ошириш омилидир. Аммо аттестация бу вазифани ҳали тўла бажараётгани йўқ. Айрим жойларда бу тадбирни юзаки ўтказиш ҳоллари юз бераётир. Хусусан, Булунғур районидаги 51-мактабда аттестацияни қониқарсиз ўтказганлиги учун директор лавозимидан олиб ташланди. Паркент районидаги 3-, 11-, 9-, Оққўрғон районидаги 15-, 45-, Коммунистик районидаги 26-, 22-, 35-, 30-, Бўстонлиқ районидаги 35-, 36-, 38-ўрта мактабларда ўқитувчилар фаолиятига холис ва малакали баҳо берилмади. Задарё районидаги 9-, 18-, Косонсой районидаги 13-, 17-мактабларда эса аттестация ўтказишга лоқайд муносабатда бўлдилар. Аттестацияда ўз ишига нолойиқ, деб топилган ўқитувчилар ҳам йўқ эмас.

Ўқитувчи кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш зарур. Бунинг учун педагогика ўқув юртларига болалар билан ишлашга иштиёқи баланд, педагогик иқтидорга эга энг яхши ёшлар танлаб олиниши лозим. Ўқув юртлари раҳбарларини сайлаш тажрибаси кенг қўллаб-қувватланиши керак. Партия, совет органлари ўрта ва олий мактабни қайта қуришга, совет кишиси шахсини вояга етказиш яхлит жараёнининг энг муҳим бўғини бўлмиш узлуксиз таълим системасини кенгайтиришга фаол кўмаклашиши лозим.

Ўқитувчи — ёш шахснинг маънавий дунёси меъморидир. Шунинг учун ҳам мактабни революцион янгилаш учун унинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ҳамма жиҳатлар бартараф этилиши даркор. Бу педагогик ижодкорликка кенг йўл очиб бериш, новаторликни ҳар томонлама ривожлантириш демакдир. Ўз касб-корини яхши билган устозгина болаларда билим олиш иштиёқини, қувончини уйғотиши мумкин. Шу билан бирга ҳар бир ўқитувчи изланишларини назарий жиҳатдан таъминлаш ҳам муҳим вазифадир.

Ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашни ва унга касб-кор ўргатишни тубдан яхшилаш керак. Ёш ўқитувчиларга ҳар томонлама ёрдам бериш, мураббийлик харакатини авж олдириш зарур. Таълимни унумли меҳнат билан бирга қўшишга эришиш партия комитетларининг, совет халқ таълими органларининг диққат-эътиборида туриши лозим.

Қайта қуришнинг энг муҳим иштирокчиси — ўқитувчининг бунёдкорлик иши фарзандларимиз камолоти, билими ва меҳнатида давом этади. Зотан, совет ўқитувчиларининг кўп миллионли отряди — мамлакатимизнинг ифтихори, ёшларни тарбиялашда партиянинг ишончли таянчидир.

Область Советининг сессияси

Халқ депутатлари Самарқанд область Советининг сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ташкилий масалаларни кўриб чиқди. А. А. Йўлдошев халқ депутатлари Самарқанд область Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди. Область Советининг доимий комиссиялари тузилиб, тасдиқланди.

Сессияда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари А. С. Икромов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН КУРАШИНГИЗ, ТЎЛА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ, ЎЗИНИ-ЎЗИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ИЖАРА ВА КООПЕРАЦИЯНИ ЖОРИЙ ЭТИНГИЗ!

1917 1988

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз коллективи йиллик маррани аллақачон эгаллаганди. Бу ютуққа хўжаликнинг Абдунажим Юсупов бошлиқ звеноси аъзолари катта ҳисса қўшдилар. Зокир Яхшибоев бошлиқ бригада коллективи эса ҳар гектар майдондан 25 центнердан ҳосил кўтарди.

Суратда: илғор звено бошлиғи А. Юсупов (чапдан), бригада бошлиғи З. Яхшибоев ва илғор механизатор Н. Раззоқовлар тола сифатини кўздан кечирмоқдалар.

У. ҚУШВОҚОВ фотоси.

МЕХАНИЗАТОРЛАР ИБРАТИ

Совхозимиз пахтакорлари йиллик планни Косон районида анча барвақт, илғор хўжаликлар қатори уддалаб, давлатга минг тоннадан зиёд пахта топширганди. Ҳозир бу рақам 1200 тоннадан ошди. Етиштирилган ҳосил асосан «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Шермат Ботиров, Нишон Усмонов, Муфтилла Ибрагимов сингари ҳамкасбларим қатори эл хирмонига 90 тоннадан ошириб пахта тўкканлигим ва бу билан областимиз зафарига баҳоли-қудрат ҳисса қўшганлигим билан фахрланаман.

Шерали ОЧИЛОВ,
Косон районидаги қўриқ 53-совхоз механизатори.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида

шу йил 3 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
ТОШКЕНТ	0,34	108,03	0,23	110,57
БУХОРО	0,79	108,00	0,86	87,25
ХОРАЗМ	0,38	107,36	0,50	68,01
ҚАШҚАДАРЁ	0,44	103,53	0,37	111,25
ҚҚАССР	0,70	98,17	0,38	93,07
Сирдарё	0,67	96,46	0,55	106,42
Сурхондарё	0,85	96,21	0,30	91,24
Фарғона	0,73	92,71	0,18	41,41
Наманган	0,81	92,51	0,62	66,66
Самарқанд	1,19	84,27	0,91	80,65
Андижон	0,70	72,34	0,28	29,34
Республика бўйича:	0,70	95,34	0,47	82,46
Шу жумладан энгичка толали пахта:				
САМАРҚАНД	3,31	110,88	6,20	104,67
СУРХОНДАРЁ	0,99	110,11	0,59	169,92
ҚАШҚАДАРЁ	0,86	106,48	0,61	151,10
Наманган	0,62	96,46	—	—
Бухоро	0,21	15,26	0,65	8,70
Республика бўйича:	0,95	104,23	0,69	158,49

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ ТУ-154 САМОЛЁТИ ЭКИПАЖИ АЪЗОЛАРИНИ СССР ОРДЕНЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Авария вазиятида учишда юксак маҳорат ва мардлик кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Владимир Федорович Билан — бортинженер,

Станислов Федорович Харьков — кема командири.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Сафар Бекмуродович Мадреймов — иккинчи учувчи.

ҲУРМАТ ОРДЕНИ БИЛАН

Рональд Петрович Згадов — экипаж штурмани.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1988 йил 3 ноябрь.

ВЕТЕРАНЛАР ҲАМОН САФДА

Ветеранлар... Улар Октябрь инқилобининг буюк ғалабаларида қатнашдилар, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилдилар, вайрон бўлган хўжаликни тикладилар, социализм қурдилар. Бугун ҳам улар энг қийин жойларда, ўзларининг тажрибалари, ҳаётни билишлари, ёшларга маслаҳатлари билан кўмаклашишлари зарур бўлган жойларда камарбастадирлар.

Қарор топган анъанага кўра, Октябрь байрами арафасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика ветеранлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон республика кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов очди.

Мажлис аҳли ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ветеранлари ташкилоти республика ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида, шунингдек хўжалик турмушида катта иш олиб бормоқдалар, деб таъкидланди учрашувда. Партия қайта қуриш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш соҳасида янги вазифаларни илгари сурган ҳозирги даврда ҳар бир кишидан жамиятни янгилаш, демократиялаш жараёнларида фаол иштирок этиш талаб қилинади. Ветеранлар бу борада жуда кўп иш қилишлари мумкин.

СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги давлат планини тасдиқлади. Партия ва халқнинг бунёдкорлик ишларида беш йилликнинг тўртинчи йили муҳим роль ўйнаши керак. Совет кишиларининг кучғайрати экономикани бундан буён ҳам соғломлаштиришга, унинг устун йўналишларини жадал ривожлантиришга қаратилади. Бу ишларнинг ҳаммаси совет кишиларининг турмуш даражасига ижобий таъсир қилади.

Республикамиздаги қайта қуриш анчагина мураккабликларга рўбарў келмоқда. Кўпгина муаммолар йиғилиб қолган. Ўтмишда содир бўлган салбий ҳодисаларнинг илдизларини тугатиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, миллатлараро муаммоларни биргаликда ҳал этиш, одамларни, айниқса ёшларни ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялаш масалаларига кўпроқ эътибор бериш, региондаги экологик вазиятни яхшилаш учун курашиш зарур.

Жўн бўлмаган ана шу барча вазифаларни ҳал этишда ветеранлар катта ёрдам бериши мумкин. Республика кенгаши касаначилик меҳнатида, кооперативларда, оилавий ва ижара пудратида, хизмат кўрсатиш соҳасида, савдода баҳоли қудрат меҳнат қилишга пенсионерларни имкони борича кўпроқ жалб этиши керак. Мураббийлик ҳаракатида, техникавий ва ҳаваскорлик ижодкорлигини ривожлантиришда ветеранларнинг иштироки кенгайиши лозим. Ана шу соҳаларнинг барчасида ветеранлар кенгашлари муайян иш қилмоқдалар. Совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, бошқа жамоат ташкилотлари билан амалий алоқалар ўрнатилмоқда. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган доно қарияларнинг ватанпарварлиги, ижодий ташаббуси ижобий натижалар бермоқда. Масалан, республика кенгашининг даъвати билан қишлоқларда яшаётган юз мингдан кўпроқ пенсионер пахта теримига чиқди. «Оқ олтин» тайёрлашда республикамиз бу йил эришаётган муваффақиятларда уларнинг ҳам ҳиссаси бор. Кўпчилик ветеранлар оилавий пудратга бош бўлмоқдалар, қолоқ бригадаларда ишламоқдалар, чорвачиликни ривожлантиришда кўмаклашмоқдалар.

Кооператив ҳаракатни ривожлантириш туб иқтисодий ислоҳотнинг йўналишларидан биридир. СССРда Кооперация ҳақида қонун қабул қилинганидан кейин бундай коллективларда 80 процентга қадар пенсионерлар, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аҳолининг бошқа табақалари ишлаши назарда тутилган эди. Аммо амалда ҳозирча бундай бўлмади. Кооперативларда асосан ёшлар ишламоқда, пенсионерлардан иборат кооперативлар бармоқ билан санарлидир. Ана шу ҳаракатда пенсионерлар кам қатнашаётганлигининг сабабларини аниқлаш ва уларни ишга мумкин қадар кўпроқ жалб этиш имкониятларини топиш керак. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари бу ишда актив ёрдам беришлари керак.

Учрашувда ветеранлар идеология соҳасида, айниқса ёшлар ўртасида катта ва фойдали фаолият кўрсатишаётгани таъкидланди. Аммо ёш авлод қайта қуришнинг актив кучи бўлмоғи учун бу соҳада ҳали кўп иш қилиш керак. Катталар ёшларга қуруқ ваъзхонлик, насиҳатгўйлик қилмай, суҳбатлашиб бир-бирларининг фикрларига қулоқ солишлари керак. Улар бир-бирларини иззат-ҳурмат қилиб сўзлашсалар, демократия асосларини яхшироқ тушуниб оладилар ва ундан шахсий, худбинлик мақсадларида эмас, балки халқ, социализм манфаатлари йўлида фойдаланадилар. Ёшларда бурч, номус, виждон, ҳақгўйлик, масъулият, инсонпарварлик сингари тушунчаларнинг социалистик негизини қайта тиклаш, совет халқи ва давлатининг тарихига ёшларнинг ишончсизлик билан қараши кўринишларига барҳам бериш муҳимдир.

Ветеранлар ташкилотлари маҳаллий Советлар ижроия комитетлари билан биргаликда ветеран-пенсионерларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун кўп иш қилишлари лозим. Бу ишда камчиликлар бор. Муҳтож кишиларнинг барчаси ҳам интернат уйлардаги жойлар билан таъминланмаган, бир қанча районларда эса ана шундай интернат уйлар секин қурилмоқда. Минглаб ветеранлар якка тартибда уйжой қурилиши учун участкалар ажратиб берилишига, телефон ўрнатилишига, юқори сифатли истеъмол маҳсулотлари билан таъминланишга маҳтал бўлиб турибдилар. Ҳали олдинда катта ишлар турибди ва ветеранлар умумий ишга муносиб ҳисса қўшишларига шубҳа йўқ, деб таъкидланди учрашувда.

Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси номидан ветеранларни бўлажак умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллиги билан самимий қутлади. У ветеранларга сиҳат-саломатлик, уларнинг олижаноб фаолиятларида муваффақиятлар тилади.

Учрашувда Уруш ва меҳнат ветеранлари Тошкент шаҳар кенгашининг раиси С. С. Охунжонов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. А. Ковалева, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси М. Исматов, Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгаши идеология комиссиясининг раиси М. И. Косих, ўзбек хотин-қизлари орасидан чиққан биринчи парашютчи, локомотив машинисти Б. Мирбобоева, Уруш ва меҳнат ветеранлари Бутииттифоқ кенгаши раисининг ўринбосари П. И. Кравченко сўзладилар.

Ветеранлар доимий диққат-эътибор учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига чин дилдан миннатдорчилик изҳор этдилар ва бутун куч-ғайратимизни, тажриба ва билимимизни КПСС XXVII съезди ва XIX Бутииттифоқ партия конференцияси қарорларини бажаришга сарфлаймиз, деб ваъда бердилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, М. Ҳ. Холмуҳамедов, А. С. Ефимов, Б. Ф. Сатин иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика министрликлари ва идораларининг бир қанча масъул участкаларини кадрлар билан мустаҳкамлаш билан боғлиқ айрим масалаларни кўриб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Енгил саноат ва халқ истеъмоли моллари бўлимининг мудири бўлиб ишлаган Г. М. Писулин — енгил саноат министрининг;

«Ўзоргтехдорстрой» трестининг бошқарувчиси бўлиб ишлаган Б. М. Нуриддинов ва «Ташстройтранс» бирлашмасининг бош директори бўлиб ишлаган С. П. Василенко — автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрининг;

Тошкент Олий партия мактаби партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган В. Д. Дворкин маданият министрининг **биринчи ўринбосарлари этиб тасдиқландилар.**

Ҳунар-техника таълими давлат комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган В. Н. Архангельский — Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети раисининг;

Ўзбекистон Компартияси Жиззах область комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлаган С. И. Стрижнев — Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети раисининг;

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Маданият бўлимининг мудири бўлиб ишлаган С. А. Хўжаева — Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети раисининг;

Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети раисининг биринчи ўринбосарлари бўлиб ишлаган М. А. Телегин ва Н. Назиров — Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети раисининг **биринчи ўринбосарлари қилиб;**

Илгари Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг раиси бўлиб ишлаган Ҳ. Н. Тожиев республика Давлат план комитети раисининг **ўринбосари этиб тасдиқландилар.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бўлими мудирининг ўринбосари бўлиб ишлаган А. Я. Мансуров — Ўзбекистон ССР савдо министрининг;

Қурилиш министрининг ўринбосари бўлиб ишлаган Н. Д. Тен — Ўзбекистон ССР дон маҳсулотлари министрининг;

Молия министрлиги бюджет бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаган В. С. Беганов Ўзбекистон ССР молия министрининг;

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инструкторлари бўлиб ишлаган В. П. Перевозчиков ва Т. Г. Шамсиев Ўзбекистон ССР маданият министрининг **ўринбосари қилиб тасдиқландилар.**

Қурилиш министрининг ўринбосари бўлиб ишлаган Н. А. Ходирев Ўзбекистон ССР Қурилиш давлат комитети раисининг;

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ахборот ва чет эллар билан алоқалар бўлимининг сектор мудири бўлиб ишлаган З. Муродов, Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган А. Д. Нарзиев ва В. Г. Верхотуров Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети раисининг **ўринбосарлари қилиб тасдиқландилар.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири бўлиб ишлаган Н. Тўхлиев Ўзбек энциклопедияси бош редакциясининг редактори этиб тасдиқланди.

• *Партия турмуши: ҳисобот-сайлов конференцияларида*

ЎЗГАРАЁТГАН МУНОСАБАТЛАР

Конференция якунланиши арафасида кекса коммунист, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани М. Дадажонов билан суҳбатлашдик. М. Дадажонов узоқ йиллар Олтиариқ райони партия, совет органларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган.

— Олтиариқ район партия конференцияларида 27 марта делегат сифатида қатнашганман, — деди у. — Уларнинг ҳар бири ўзига хос, ўз даврининг ташвиш-муаммоларини муҳокама этиш шароитида ўтган. Аммо турғунлик йилларидаги конференциялар баландпарвоз гапларга мўллиги, рапортбозлик, хўжакўрсини, қуруқ дабдаба билан ўтказилганлиги сир эмас. Хайрият, қайта қуришнинг ҳаётбахш шамоли эсди. Коммунистларнинг, меҳнаткашларнинг ҳаётга, ишлаб чиқаришга, партия турмушига муносабатларидаги бир хиллик, лоқайдлик йўқола бошлади. Бугун мен муносабатлардаги ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдим.

Ўзгараётган муносабатлар... Дарҳақиқат, конференцияда вужудга келган ўзига хос ишчанлик, активлик, муаммоларни дадил қўйиш, танқид ва ўз-ўзини танқид, ошкоралик муҳити коммунистлар онгида жамият ҳаётига нисбатан муносабатларнинг ўзгараётганлигидан далолат беради. Нотиқларнинг аксарияти фақат ўз коллективи ташвишлари билангина чегараланиб қолмай, республика ва мамлакат олдидаги катта проблемалар ҳақида, мана шу муаммоларни ҳал этишда район меҳнаткашлари ҳиссасини кўпайтириш тўғрисида, сермазмун, ўринли фикрлар билдиридилар. Нутқларнинг мавзу доираси жуда кенг эди. Конференция қатнашчилари шахсга сиғиниш қурбонлари хотираси, матбуотдаги айрим ижобий ва салбий чиқишлар, хўжалик ҳисоби ва пудрат усулини район шароитида татбиқ этиш муаммолари, Озиқ-овқат программасини бажаришда шахсий хўжаликлар улушини кўпайтириш, Ҳамза юбилейига тайёргарлик, хуллас турли мавзуларда ошкора гапирдилар. Энг муҳими районнинг социал-иқтисодий тараққиёти партия талаблари даражасидами, деган саволга рўй-рост жавоб беришга, ривожланиш суръатларини кучайтириш учун пишиқ-пухта режалар тузишга ҳаракат қилинди. Район партия комитетининг биринчи секретари Н. В. Федотов қилган ҳисобот докладида қайта қуриш шароитида район партия ташкилотининг фаолияти чуқур таҳлил этиб берилди.

Партия ташкилотларининг ҳисобот даврида партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ҳамда экономикага раҳбарлик соҳасидаги фаолияти қайта қуриб олинаётгани, иш усули ва услублари янгиланиб бораётгани районнинг социал-иқтисодий тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга ишда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бу нарса, айниқса қарорлар ижросини назорат қилишда кўпроқ кўзга ташланиб қоляпти. Масалан, район партия ташкилотининг ўтган галги конференциясида Ҳамза шаҳрини ободонлаштириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланган эди. Аммо райком шу хусусда ўзи қабул қилган қарорни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйди. Натижада бу тадбирлар қоғозда қолиб кетди.

Номенклатурадаги кадрлар сифат составини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар ҳам давр талабига жавоб бермайди. Район ички ишлар бўлимининг собиқ бошлиғи С. Акбаров ва унинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари А. Дадажоновлар ўртасидаги пинҳона олишув авж олиб, ҳу жанжалга область ва республика матбуоти ҳам аралашди. Юқори органлардан кўплаб комиссиялар келди. Аммо ички ишлар бўлими бошланғич партия ташкилоти бир четда томошабин сифатида тураверди. «Узсельхозхимия» район бирлашмаси раислигига тасдиқланган А. Қосимов коллектив билан ҳисоблашмай қўйди. Қўл остидагиларга қўпол муомалада бўлди. РАПО партия ташкилоти секретари Т. Фармонов ва партия бюроси аъзоси М. Абдулқаевалар коммунист шаънига хос бўлмаган йўлга кириб кетдилар. Райондаги 3-, 16-, 23-мактаблар директорлари ўз ишларида қатор камчиликларга йўл қўйдилар. Тўғри, уларнинг ҳаммаси кейинчалик ишдан бўшатилди, партиявий жазо олди. Аммо ноқобил раҳбарлар бу орада ўзлари ишлаган коллективлар фаолиятига раҳна солиб, тараққиётга тўғоноқ бўлдилар.

— Район партия комитети кадрлар масаласига етарли эътибор бермаяпти, — деди конференцияда сўзга чиққан Ҳамза шаҳар ижроия комитетининг раиси О. Қодиралиев, — 1987 йили П. Светов Ҳамза шаҳар Совети ижрокоми раисининг муовини этиб сайланди. Бироқ уни бу вазифага тавсия этган райком ва райижрокомдаги дахлдор раҳбарлар Светов бу ишни эплаб кета оладими, йўқми, ўйлаб кўришмаган эди. Советлар ишидан мутлақо бехабар бу одам тез орада ишни барбод қилди. Вазифани эплай олмаслигини ўзи ҳам тушуниб, бир йил давомида ишдан бўшатишларини сўраб 12 марта ариза ёзди. Бу Советларни обрўсизлантириш-ку, ахир!

Район экономикаси ҳамон турғунлик даври асоратларидан халос бўла олмаётганлиги сабабларини ҳам кадрлар билан ишлашдаги нуқсонлардан излаш лозим. Бошланғич партия ташкилотлари меҳнат коллективларини план-топшириқларини бажаришга тўлиқ жалб этолмаяптилар. Олтиариқ экспериментал жўн-йигирув фабрикаси кейинги уч йил давомида бирор марта ҳам планларини бажармади. Шу даврда корхонада уч нафар директор ва 4 нафар бошланғич партия ташкилоти секретарлари алмашди. Лекин бу ижобий натижа бермади. Ҳамза минерал сув заводи, район маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармаси, пахта тозалаш заводи ва бошқа бир қатор корхоналардаги мана шундай ҳолатлар ҳам аҳволни янада мушкуллаштирди.

Бошқарувдаги бюрократик иш услубларига барҳам берилмаган. Турли-туман инструкциялар, кўрсатмаларга ўралашиб қолган бошқарув аппарати меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив усулларини жорий этишга қаршилик кўрсатяпти. Конференция делегати, район бўрдоқичилик корхонаси директори А. Охунжонов ўз нутқида бюрократизмга хос характерли мисол келтирди. Корхона бош мутахассисларидан бири корхонага қарашли яйлов ва экинзорларни ҳар куни кўздан кечириб ишларнинг боришини назорат қилиши зарур. У ўзининг шахсий машинасида қунига 90—100 километр йўл юради. Директорнинг буйруғи билан бу мутахассисга ҳар иш куни учун 10 литр бензин ажратилган эди. Ревизия бу ҳолни қонунга хилоф деб топди ва нотўғри сарфланган бензин ҳақини ундириб олди. Энди ўша мутахассис корхонанинг юк машинасида юрибди, унга махсус шофёр берилган. Кунига 20—25 литр бензин кетади. Машина юк ўрнига битта одамни ташийди, холос. Эндиги ҳолатда давлатга илгаригидан қарийб ўн баравар кўп зарар етяпти. Аммо назорат органларининг бу билан иши йўқ — чунки бу ҳолат инструкцияга мос келади!

Район агросаноат комплексида ижобий ўзгаришлар деярли кузатилмаяпти. Бу соҳага сарфланаётган катта-катта капитал маблағлар кутилган самарани бермаяпти, гектарлардан олинадиган ҳосил ҳамон пастлигича қолмоқда. Беш йилликнинг икки йилида давлатга 3252 тонна пахта кам сотилди. Олтиариқ райони шароитида ҳар гектар ердан 20 центнердан ҳам кам ҳосил олаётган бригадаларнинг борлиги ҳақли равишда эътироз уйғотяпти. Қолоқликнинг асосий сабаби — пахтачиликни механизациялаштиришга эътиборсизликдир. Районда машинада пахта териш плани конференция иш бошлаган кунгача 31 процент бажарилди, холос. «Ўзбекистон» колхози, «Ленинобод» совхозида эса механизмлардан деярли фойдаланилмади. Бир пайтлар терим машиналарини унумли ишлатиб республикага донг таратган «Комсомол» колхози бу соҳадаги позицияларни бой бериб қўйди. Ишчи кучларининг ҳаддан зиёд ортиқлиги, шаҳарлик ҳашарчилар, мактаб ўқувчилари ёрдамига ўрганиб қолган хўжалик раҳбарлари меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этишга шошилмадилар. Бу эса шаҳарликлар ва мактаб ўқувчилари кўмагидан воз кечилган ҳозирги пайтда панд бериб қўйди. Пахтачиликда ижара пудрати деярли амалга оширилгани йўқ. «Ўзбекистон» ва М. Горький номли колхозларда коллектив пудрати май ойидан сентябргача қўлланмоқда, холос. Пировард натижа учун конкрет масъул шахс белгиланмаган. РАПО Советининг қишлоқ хўжалигидаги раҳбарлик роли деярли сезилмайди. Бу ерда фақат кундалик вазифаларни муҳокама қилиш, юқори ташкилотлардан келган ҳужжатларни колхоз ва совхозларга етказиш билангина банд бўлиб қолишяпти.

— Райком бюроси аъзолари РАПО мутахассислари ўрнига ҳам ишлашга ўрганиб қолишган, — деди ўз нутқида «Октябрь 60 йиллиги» совхози директори Э. Тоҳиров. — РАПО ўзи бажарадиган ишни райкомга юклаб қўйиб масъулиятдан холи бўлмоқда. Бизнинг совхозимизда катта ҳажмдаги қурилиш ишлари олиб бориш ҳақида область агросаноат комитети раҳбарлари иштирокида РАПО тўрт марта тадбир тузди. Аммо бу тадбирларнинг бирор моддаси ҳам бажарилмади. Бунинг учун ким жавоб беради? РАПОми ёки райкомми? Қишлоқ хўжалиги фақат пахтачиликдангина иборат эмас. Мактаб ошхоналари, болалар боғчалари менюсида, ишчи ва колхозчилар дастурхонида гўшт, сут маҳсулотлари, мева-чева танқис. Ҳар бир хўжаликда камида 10 гектардан мевазор боғлар ташкил этиш, сабзавот ва полиз экинлари майдонини кўпайтириш лозим. РАПО фақат кундалик иш билан банд бўлмай, мана шундай истиқболли режалар тузадиган, келажакни олдиндан кўра биладиган, деҳқонларнинг чинакам маслаҳатгўйи, ғамхўр раҳбар ташкилотга айланиши лозим.

Районда кейинги йилларда ҳўл мева, узум, полиз маҳсулотлари етиштириш планлари барбод этиляпти. Ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут областдаги ўртача кўрсаткичдан паст. Зотдор чорва моллари етиштириш ёмон аҳволда. Ҳар юз бош сигирдан 86 тадан бузоқ олиняпти. Чорвачиликда меҳнат қилаётган коммунистлар онгида, уларнинг ишга бўлган муносабатидаги ўзгаришлар ҳақида гапиришга эрта. Бу соҳада партиявий қатламнинг озлиги ҳам ишга салбий таъсир кўрсатяпти. Район хўжаликларидаги фермаларнинг аксариятида коммунистлар бир-икки кишини ташкил этади, холос. Бешта фермада эса бирорта ҳам коммунист йўқ.

Аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, колхозчи, ишчи аёлларнинг унумли меҳнат қилишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шароитлар йўқ. Жамоат ташкилотлари, айниқса хотин-қизлар Кенгаши иши деярли кўринмайди. Полосон ва Бўрбонлик қишлоқларида учта аёл ўз жонига қасд қилди. Бу фожиа район партия, совет органлари, жамоат ташкилотлари учун сабоқ бўлиши лозим эди. Лекин мактабгача болалар тарбия муассасалари сонини кўпайтириш, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш даражасини ошириш, меҳнат коллективларида, маҳаллаларда, оилавий мавзуларда лекция ва суҳбатлар уюштириш, нотинч, шароити оғир оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга астойдил интилиш сезилмаяпти.

Идеология иши ҳам яхшилашни тақозо этади. Тўғри, оммавий-сиёсий ишлар бирмунча жонланди. Бироқ унинг янги форма ва усулларидан кам фойдаланиляпти.

— Ягона сиёсий кунларни ўтказишга келганлар бизга ўзимиз ўқиган газеталарни қайта ўқиб беришяпти, — деди Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи партия ташкилотининг секретари В. Третьякова. — бундай номигагина ўқиладиган қуруқ лекцияларда онгга ва қалбга таъсир этадиган ҳеч нарса йўқ. «Билим» жамияти район ташкилоти иши талабга жавоб бермайди. Лекция ўқишда кўзбўямачилик ва юзакичиликка барҳам берилмаган.

«Ленинобод» совхозида ишчиларнинг талабларидан сўнг спорт комплекси қурилиши бошлаб юборилган эди. Аммо икки йилдан буён қурилиш тўхтатиб қўйилди. Шу совхоз территориясида 10 мингдан зиёд одам яшайди. Аммо бу ерда бирорта ёзги клуб йўқ. Уни қуриш планлаштирилмаган ҳам. Пахта йиғим-терими даврида мавсумий боғчалар ташкил этиш учун каравотлар етишмайди. Меҳнаткашларнинг талаб ва истакларига нисбатан бундай лоқайд, бепарво муносабат бошқа хўжаликларда ҳам учрайди.

Район партия комитети конференцияни бугунги кун талаблари даражасида, ошкоралик, демократия шароитида ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрди. Ҳисобот доклади тезислари аввало район газетасида эълон қилинди. Конференцияга тайёргарлик босқичида коммунистлар, меҳнаткашлар билдирган фикр-мулоҳазалар эътиборга олинди. Ҳисобот доклади юзасидан музокараларда қатнашган коммунистларнинг аксарияти долзарб муаммолар ҳақида рўй-рост, очиқ-ошкора гапирдилар.

Конференцияга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида ҳар бир коммунистнинг ўз хизмат вазифасига, касбига, жамият ҳаётида юз берётган воқеаларга жонкуярлик ва ташаббускорлик билан муносабатда бўлаётгани яққол сезилиб турди. Мана шу жўшқинлик конференция залидагиларгагина эмас, балки бутун район партия ташкилоти фаолиятига ҳам хос бўлиб қолиши лозим.

Конференция район партия комитетини ва унинг раҳбар органини сайлади.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЕҲНАТКАШЛАР ХАТЛАРИ ВА АРИЗАЛАРИ — «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» НАЗОРАТИДА

Айбдорлар жазоланди

Пискент районидаги Калинин номли колхозда яшовчи Ф. Раҳмонов редакциямизга йўллаган аризасида Бўка район туғуруқхонасининг айрим врачлари лоқайдлиги, масъулиятсизлиги ва бепарволиги тўғрисида ёзган эди.

Ушбу шикоят хат юзасидан текшириш ўтказган ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИдан олинган расмий жавобда унда келтирилган фактлар тасдиқлангани қайд этилади.

Мазкур масала медицина ходимлари ўртасида кўриб чиқилди. Айбдорларга нисбатан маъмурий тартибда жазо чоралари кўрилди. Навбатчи врач М. Ориповага ҳайфсан берилди, навбатчи врач Д. Абдуҳамидова эса участкага ишга ўтказилди, районнинг бош акушер-гинекологи Д. Ёқубова вазифасидан бўшатилди, туғуруқхона бош врачи ўринбосарлари Ю. Йўлдошева ва Т. Ғуломовларга кўрсатиб ўтилди.

Қаттиқ ҳайфсан берилди

«Жарқўрғон темирбетон буюмлари заводидаги ноқонуний ишлар тўғрисида кўпгина ташкилотларга аризалар ёздим. Текширишда фактлар тасдиқланди. Бироқ заводнинг айрим раҳбарлари жазосиз қолдилар», — деб ёзган эди Қумқўрғон районидаги Ульянов номли совхозда истиқомат қилувчи Р. Азизов ўз мактубида.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ПРОКУРАТУРАСИ маълум қилишича, текшириш якунлари область халқ контроли комитети мажлисида кўриб чиқилган.

Область халқ контроли комитети қарори билан Жарқўрғон темир-бетон заводи директори З. Рамазоновга, бош инженер А. Сафарқуловга, ПМК-ПГС бошлиғи Д. Бердимуродовга қаттиқ ҳайфсан берилди, шунингдек, завод бош бухгалтери А. Чориевга, ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи А. Олланазаровга қаттиқ ҳайфсан эълон қилиниб, давлатга етказилган зарарни ундириб олиш мақсадида уларнинг ҳар бирига икки ойлик миқдорида пул начёти ёзилди.

ХАЛҚ УЧУН, ХАЛҚ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ

СССР Қонунлари лойиҳалари—умумхалқ муҳокамасида

Судлов масъулияти

Совет халқининг 70 йилдан кўпроқ тарихий тараққиёти даврида бир неча Конституция қабул қилинган. Шулардан биринчиси 1918 йилда В. И. Ленин иштирокида ишлаб чиқилган РСФСРнинг дастлабки Асосий Қонуни эди. Бу Қонун 1918 йил 10 июлда Советларнинг V Бутунроссия съездида қабул қилинган.

Биринчи Совет Конституциясининг тарихий аҳамияти шундаки, у совет халқларининг ягона федератив давлат бўлиб бирлашувларида катта роль ўйнади.

СССРнинг 1924 йилги Конституциясида муҳим янгилик шу бўлдики, умумиттифоқ давлати барпо этилиши муносабати билан, давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг федератив органлари сифатида СССР Советлар съезди, СССР Марказий Ижроия Комитети ва СССР Министрлар Совети тузилди. СССР кўпмиллатли давлат бўлганлиги ҳисобга олинган ҳолда Умумиттифоқ Марказий Ижроия Комитети икки палатадан — Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советидан ташкил топди.

1936 йил 5 декабрда қабул қилинган СССРнинг янги Конституциясига жуда катта тарихий ҳужжат сифатида тарихга кирди. Аммо, бу тарихий ҳужжатда баён қилинган ва қонун йўли билан расмийлаштирилган демократик принциплар, жумладан гражданларнинг чексиз ҳуқуқ ва эркинликлари, шахс дахлсизлиги каби имтиёзлари шахсга сиғиниш даврида қўпол равишда бузилди, натижада 1937 — 1938 йилларда минглаб софдил коммунистлар репрессияга учради.

СССРнинг 1936 йилги Конституциясига биноан Совет давлатининг ташкилий тузилиши ва формаларида ҳам ўзгариш содир бўлди. Мамлакатда давлат ҳокимиятининг олий ва ягона қонун чиқарувчи органи сифатида СССР Олий Совети ташкил топди. У тенг ҳуқуқли икки палата — Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советидан ташкил топди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг 60 йиллиги муносабати билан 1977 йил 7 октябрда СССРнинг учинчи Конституцияси қабул қилиниши социалистик жамият тарихида муҳим воқеа бўлди. Мазкур Конституциянинг асосий хусусияти шундан иборатки, унда ишчилар синфи диктатураси давлати умумхалқ социалистик давлатига ўсиб ўтганлиги қонуний расмийлаштирилди. Лекин Конституциянинг қабул қилиниши турғунлик даврига тўғри келганлиги сабабли мамлакат ҳаётидаги мавжуд салбий ҳолатлар унда ўз аксини топди. Турғунлик даврида қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, ўғирлик, порахўрлик, давлат мулкига кўз олайтириш, лоқайдлик сингари салбий иллатлар авж олди. Бу эса судларда жиноят ишларининг кўпайишига олиб келди. «Пахта» ишлари пайдо бўлди. Республика бўйича бундай ишлар сони кўпайди ва 5 мингга яқин шахс суд жавобгарлигига тортилди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси фаолиятида совет сиёсий системасини тубдан ислоҳ қилиш, шу асосда СССР, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг амалдаги Конституцияларига жиддий ўзгартишлар киритиш ҳақида гап борган эди. Маълумки, бундан 50 йил муқаддам СССР Олий Советига ўтказилган биринчи сайлов даврида қабул қилинган сайлов қонуни ҳозиргача амал қилиб келинмоқда. Ярим асрдан кўпроқ ўтган вақт ичида совет халқи тарихида рўй берган ўзгаришлар унда тўлиқлигича ўз аксини топган, деб бўлмайди. Шунинг учун, совет сайлов системаси XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида таъкидланганидек, янада демократлаштиришга муҳтож эди. Куни кеча матбуотда эълон қилинган, «СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонуни» ҳамда «Халқ депутатларини сайлаш ҳақидаги СССР Қонуни»нинг лойиҳалари тўғрисидаги СССР Олий Совети Президиумининг қарори айни муддао бўлди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида атрофлича ва кенг муҳокама қилинган бош масала сиёсий системада туб ислоҳот қилиш орқали Советларнинг ташкилий тузилиши ва фаолиятини қайта қуришдан иборат эди. Давлат ҳокимиятининг олий органи бўлган СССР Олий Совети эндиликда икки органдан ташкил топади. Беш йиллик ваколат билан сайланадиган СССР халқ депутатлари съезди ҳар йили бир марта ўз мажлисига тўпланиши, СССРнинг социал-иқтисодий тараққиёти, давлат бюджети, умумиттифоқ ҳукуматининг ҳисоботи ва шу каби СССР Конституциясида белгиланган умумдавлат аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилиши ва ҳал этиши назарда тутилади.

СССР халқ депутатлари съезди ўз составидан унча катта бўлмаган СССР Олий Советини сайлайди. Унинг зиммасига қонуларни, ижро ва контроль тусидаги барча масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ўзига бўйсунган органларни ҳамда Советларнинг қуйи бўғинлари ишини йўналтириб туриш юклатилади. СССР Олий Советининг ҳар икки палатаси — Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Қонун лойиҳаларини муҳокама қилади ва ҳоказо.

Лойиҳада барча судларнинг судьялари 10 йил муддатга сайланиши ва 155-моддадаги «Судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ва фақат Қонунга бўйсунадилар. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларига ўз ҳуқуқлари ва бурчларини ҳеч монеликсиз ва самарали амалга ошириш учун шароит таъминланади. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди», деб алоҳида таъкидланиши ҳозирги кунда жуда ҳам зарурдир. Чунки бу XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси резолюциясида алоҳида таъкидланганидек, судьяларнинг обрўйини оширишга хизмат қилади. Турғунлик йилларида суд ишларига аралашиш ҳолатлари содир бўлиб турарди. Бу эса судлар томонидан қонунсиз ҳукмлар ва қарорлар чиқаришларига сабабчи бўлар эди. Бу ҳолатлар суднинг обрўйига путур етказарди. Эндиликда эса бунга бутунлай чек қўйилади.

Судларнинг обрўсини янада ошириш мақсадида қонуннинг 152-моддаси иккинчи абзацига қуйидагича ўзгартириш киритишни таклиф қиламан: **«Район (шаҳар) халқ судларининг судьялари халқ депутатлари ўлка, область, шаҳар Советлари томонидан сайланади».** Шунда халқ судларининг судьялари яна ҳам мустақил бўлиб, уларнинг обрўйи кўтарилади.

Сиёсий системамизнинг янада такомиллаштирилиши ва демократиянинг янада ривожланиши СССР Давлат ҳокимиятининг олий органлари системасида Конституция назорат комитетининг ташкил этилишида кўринади. Мен СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини қўллаб-қувватлайман.

Шавкат ИСРОИЛОВ,
Андижон область ижроия комитети юстиция бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлари кандидати, республикада хизмат кўрсатган юрист.

Депутат ваколати

Халқ депутати сифатида Қонун лойиҳаларини ўрганиб чиқар эканман, улар қабул қилинганидан кейин бошқарув ишига бутун халқни, унинг ишончли вакиллари бўлмиш депутатларни чинакамига жалб қилиш учун мустаҳкам замин туғилишига ишонч ҳосил қилдим.

Афсуски, ҳозиргача халқ депутатининг роли у қайси даражадаги Советнинг аъзоси бўлишидан қатъи назар ниҳоятда паст эди. Ўзимдан мисол келтирай. СССР Олий Советининг депутати сифатида Москвада бўлиб ўтадиган сессиялар, ташқи ишлар доимий комиссияси йиғилишларида қатнашаман. Мазкур анжуманларда мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсий ҳамда иқтисодий фаолияти соҳасида ғоят муҳим қарорлар қабул қилинади.

Аммо шундай юксак даражадаги давлат ишларида қатнашадиган депутат ҳам ўз области, райони ёки қишлоғида энг оддий муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам баъзан таъсир кучига эга эмас. Бу фикримни конкрет далил билан тасдиқлашим мумкин. Мен ишлайдиган Ушинский номли мактаб учун янги бино қурилганига бир неча йил бўлди. Лекин масъулиятсиз бинокорлар уни иссиқлик тармоғи ишламайдиган аҳволда фойдаланишга топширишди. Ўтган қиш синфхоналарга темир печкалар ўрнатиб, дарс ўтдик.

Кўчма механизациялашган колонна раҳбарларига ўз нуқсонларини тузатишни талаб этиб, халқ депутати сифатида қилган мурожаатларим ҳеч қандай натижа бермади. Фақатгина масалага область партия комитети масъул ходимлари аралашганидан кейингина иссиқлик тармоғи ремонт қилинди. Бундай аҳволда халқ депутатининг обрў-эътибори тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин!

Кўпчилик мансабдор шахслар ҳатто ўзлари депутат бўлмаган тақдирда ҳам халқ ишончли вакилларининг фикрига менсимай қарайдилар. Айрим ҳолларда депутат бирон масалани ҳал қилиш учун соатлаб қабулхонада кутишга мажбур.

Умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган Қонун лойиҳалари қабул қилингач бундай аҳволга чек қўйилади, деб ўйлайман. Шу билан бирга СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг янги таҳридаги лойиҳаси 124-моддасига депутат ваколатини янада кучайтириш мақсадида конкрет ўзгартишлар киритишни таклиф қиламан. Назаримда, мазкур модданинг 2-абзацини **«бошқарув аппаратининг барча бўғинидаги раҳбарлар халқ депутатининг жамоатчилик фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашишга мажбурдирлар»,** деган жумла билан якунлаш мақсадга мувофиқдир.

Ш. ГАДОЕВА,
Вобкент районидаги Ушинский номли мактаб ўқитувчиси, СССР Олий Советининг депутати.

Самарқанд аэропорти учиш-қўниш йўлкаларидан ҳар куни ўнлаб «пўлат қуш»лар парвоз қилади ва келиб қўнади. Тарих обидаларига, саноат ва маърифат иншоотларига ғоят бой бу қўҳна ҳамда навқирон шаҳарга қизиқувчилар йил сайин кўпаймоқда. Меҳмонлар сони тобора ошиб бораётир. Бу ҳисобга олиниб, аэропортда талайгина муҳим техникавий тадбирлар амалга оширилди. Йўловчиларга қатор қулайликлар вужудга келтирилди.

Улуғ Октябрнинг 71 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада ташиш хизмати коллективи илғорликни қўлга киритди.

СУРАТДА: октябролди мусобақаси илғорларининг бир группаси.

Р. Ғофуров фотоси (ЎзТАГ).

ОШКОРАЛИК ЗАРАР ЕТКАЗЯПТИМИ?

ТОШКЕНТ, 31 октябрь. (ТАСС мухбири Ю. Кружилин). Икки ҳафта кутганимдан кейин Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг санитария-эпидемиология станциясига яна бир бор телефон қилиб «Хўш, бирортаси мурожаат қилдими?» — деб сўрадим.

— Ҳеч ким мурожаат қилгани йўқ, — деб жавоб берди санитария бўлимининг мудири Ю. Измайлов. — Шундай бўлишини билар эдик...

Бундай мулоқотга қуйидаги воқеа сабаб бўлди. Ёзда, «Огонёк» журналининг 29-сонида «Ҳалокатли юқумли касаллик» мақоласининг автори А. Минкин зарарли дефолиант бутифос қўлланишини танқид қилиб, бундай ёзди: «Бутифосни тақиқлаб қўйишди, лекин бутифоснинг бор запаслари ўзбек диёрига сочиб бўлинганидан кейингина тақиқлашди». А. Минкин «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 24 сентябрь сонида қуйидагиларни ёзди: «Дўстим катта ўзбек тракти орқали Тошкентдан Термизга кетаётган эди... Бутифос ҳидини сезди... Мен гувоҳман, менинг номимни айтишинг мумкин, мен партия аъзосиман ва ўз сўзларим учун тўла жавоб бераман». Лекин Минкин бу гувоҳнинг номини келтирмади. Лекин газета редакцияси унинг мақоласига «Ўзбекистон Ёзувчилар союзида ўтказилган «Оролл-88» экспедициясининг матбуот конференциясида ҳам Сирдарё областида бутифос ишлатилганлиги тўғрисидаги факт келтириб ўтилди», деб илова қилди.

СССР Давлат бош санитария врачининг 1987 йил 4 мартдаги қарори билан бутифосни қўлланиш тақиқлаб қўйилганлигини билганимиз учун биз ўшанда Ю. Измайловдан газетада келтирилган ташвишли сигнал текширилдими, деб сўраган эди.

— Албатта, — деб жавоб қилди у. — Ўша жойнинг ўзига бориб текширдик. Одамларимиз аввалги йил ёзда дефолиациядан олдин бутифоснинг қолдиқлари келтирилиб, беркитиб ва муҳрлаб қўйилган омборларни бориб кўрдилар. Бутифос ўша омборларда сақланмоқда. Сирдарё областида 386 тонна 116 килограмм, республикада жами 2400 тоннадан кўпроқ бутифос ишлатилмай турибди. Омборларнинг муҳри бузилгани йўқ.

Шундай қилиб, 1987 йилда дефолиация бошланиши чоғида бутифосни қўлланиш тақиқлаб қўйилган, бинобарин «Огонёк» журналининг кўп миллионли ўқувчилари чалғитилган. Балки санитария врачлари адашаётгандирлар? Эҳтимол уларни алдашгандир?

— Майли, келинг қайтадан текширамиз, — деб таклиф қилди Ю. Измайлов. — Хоҳлаган ёзувчини, журналистни, жамоат арбобини улар бутифос ишлатилган деб ҳисоблаган ҳар қандай жойга боришга таклиф қиламиз. Биргаликда тўпроқдан намуна олиб анализ қиламиз. Агар миш-мишлар тасдиқланса, бу ҳафта прокуратурага хабар қиламиз, айбдорлар жавобгарликка тортилади, жумладан биз ҳам жавобгар бўламиз.

Бу даъватнома 15 октябрда республика матбуотида босилиб чиқди. Москвалик А. Минкин билан телефон орқали гаплашдик. Унинг мақоласида келтирилган фактларни химиявий анализ ёрдамида текшириш ғояси унга унча маъқул бўлмади. «Катта ўзбек тракти бешта область орқали ўтади. Сиз тафрилаган ҳодиса қайси областда юз берган?» — деган саволимизга у: «Эсимда йўқ. Телефонингизни беринг, билиб сизга хабар қиламан», деб жавоб берди.

Аммо телефон қилмади. Матбуот конференциясида, Тошкент ва Москва журналлари, газеталари саҳифаларида бутифос қўлланилмоқда, деб жар солганларнинг бирортаси ҳам матбуот орқали ўз халқига ёвузлик қилмоқда, деб айб қўйилган «химизаторларни фош қилиш» имкониятидан фойдаланмади. Шундай қилиб, кўп йиллардан буён биринчи марта жуда уюшқоқлик билан жадал олиб борилаётган пахта йиғим-теримининг энг қизғин палласида тарқатилган ғийбат совун пуфагидек ёрилиб кетди. Ошкораликдан ўз манфаатларни йўлида фойдаланиб қолишга уринган сафсатабозлар ўзларини фош қилиб қўйдилар.

ОШКОРАЛИК — нафақат қудратли, балки хавфли, дудама қуролдир. Ошкоралик шиори остида баъзан қасд олинмоқда, жамоатчилик фикрини чалғитишга уринилмоқда, баъзан эса инқирозга юз тутган методлар, ярамас ғоялар маъқулланмоқда. Ошкоралик деб матбуотда Н. Андреева чиқиш қилмоқда, ошкоралик деб Сиёсий адабиёт нашриёти Сталинни шарафлаб унинг портрети билан йиртма календарь чиқармоқда, ошкоралик деб «Сельская молодёж» журнали ўз ходими А. Гаврилюкнинг «Гаранглар фитнаси» мақоласини босиб чиқармоқда. Автор ўтмишда хийла юқори мартабали мўътабар зот бўлган аёлнинг ўз-ўзини оқлаш хусусидаги гапларини эшитмаганларни гаранглар, деб атайди. Гаврилюк эса ўша гапларни эшитибди. У биз ҳам ўша мўътабар зотдан келиб чиқадиган тўлқинга ўзимизни мослашимизни хоҳлайди. Шунинг учун ҳам у ўзининг узундан узоқ мақоласининг учдан бир қисмини уни оқлаш учун кўчирмалар келтиришга, қолган қисмларини эса аёлнинг ёр-биродарлари ва яқин танишлари берган гувоҳликларга бағишлайди.

Модомики, ошкоралик ҳақиқатан ҳам дудама қурол экан, бошқа гувоҳликларга ҳам мурожаат қиламиз.

ТЎЙГА узоқ тайёрлик кўришди. Бунинг сабаби эрваниб-тебраниб ҳаракат қилинганида эмас. Сидқидилдан, ижодий ташаббус кўрсатиб ишлашди. Тўйга таклиф қилинганларнинг рўйхатини тузиб чиқишнинг ўзигагина озмунча вақт кетмади! Уни бир неча марта, айрим номларни ўчириб, янгиларини қўшиб, қайта тузиб чиқишди. Рўйхат тузилиб бўлгач, маълум бўлдики, гарчи меҳмонлар ҳатто 800 кишидан камроқ бўлса ҳам, уларнинг ҳаммасини жойлаштириш қийинроқ бўлади. Лекин иложини топишди.

Кўп сонли ғайрат-шижоатли, ташаббускор кишилар группасидан иборат тўйнинг ташкилий комитети, у расмий равишда шундай деб аталмаган бўлса ҳам, тўйни қуёвбола ойласининг дала ҳовли деб аталувчи ер мулкида ўтказишга қарор қилди. Бўлажак тантаналарга республика пойтахт области партия комитетининг биринчи секретари Мирза Мусахонов бошчилик қилди. «Комитет аъзолари янада майдароқ группаларга бўлиниб олиб, конкрет вазифаларни ҳал этишди. Айтайлик, идиш-товоқларга жавоб берадиган группа неча минг тарелка, ваза, коса, бокал, рюмка ва бошқа ашқол-дашқоллар керак бўлишини ҳисоблаб чиқди. Пойтахтнинг энг яхши пазандалари, ошпазлари жалб қилинган озиқ-овқат тайёрлаш группаси овқатларнинг хилини, шунингдек, керак бўладиган маҳсулотларни аниқлашди. Уларни қаердан олиш муаммо эмас эди. Ўз омборхоналарида топилмаган маҳсулотларни бошқа республикалардан олдириб келишди.

Тўйга 150 дан ортиқ киши хизмат кўрсатди, шулардан 50 киши эркак ва аёл официантлар эди. 3 мингта кабоб гўштини олдиндан тайёрлаб, зиралаб қўйишди. Бу рақам ҳайрон қолдирмасин, исрофгарчилик бўлган эмас. Ахир меҳмонлардан ташқари кеча-ю кундуз хизмат қилиб турган енгил машиналарнинг 200 шоферини ҳам ҳисобга олиш керак эди-да. Улар меҳмонлар, шунингдек, хизмат қилаётганларнинг ҳаммаси яшаб турган шаҳар меҳмонхоналари билан дала ҳовли ўртасида муттасил қатнаб туришди. Агар тайёрлов бир неча кун давом этганлигини айтадиган бўлсак, 3 мингта кабоб ва бир неча қозонда дамланган паловлар унчалар кўп эмаслиги аён бўлади.

Ўйин-кулги программасига келганда қийинчилик бўлмади. Филармония ва театрлар коллективларидан энг яхши ижрочиларни осонгина танлашди, кенг программа ишлаб чиқилди, унда халқ артистлари ва хизмат кўрсатган артистлар иштирок этишди. Тўйда улар қўшиқлар айтишди, рақсга тушишди, уларни навбати билан оркестрлар алмаштириб турди.

Энг оғир муаммолар қурувчилар зиммасига тушди, негаки, дала ҳовли бу хилдаги тадбирлар ўтказишга мосланмаган эди. Унинг территориясида павильонлар, шийпонлар қуришга, майдончаларни асфальт қилишга тўғри келди. Дала ҳовлига олиб борилган ва унинг ёнидан ўтадиган йўлни бегона транспорт учун беркитиб қўйишди. Ҳовузни тўйгача қуришга улгуришмади, уни атиги 31 минг сўм сарфлаб кейинроқ битказишди. Бильярд хонанинг икки қаватли бинои яна ҳам арзонга — 18 минга тушди. Умуман олганда дала ҳовлини қайта жиҳозлаш учун 100 минг сўмга яқин сарф-харажат бўлди.

Меҳмонларни жойлаштириш масаласини ҳал этишда ҳам айрим қийинчиликларга дуч келинди. Ахир тўй бир кунга мўлжалланмаган эди-да. Айтайлик, қуёв бола Москва давлат университетидан 17 ҳамкурсини таклиф этган эди. Ўз-ўзидан равшанки, борди-келди йўлга тўлаш учун студентларда пул йўқ эди. Уларга боришкелиш билетини сотиб олиб беришди ва таклиф қилинган муддат — икки ҳафта яшашлари учун хоналар ажратиб берилди. Бошқа меҳмонлар учун муҳлат белгиланмади — ким қанча хоҳласа юраверсин.

Одамлар жўнаб кетишга шошилмасликлари учун уларга барча шароитларни яратиб беришди. Чунончи, дала ҳовлининг мевазор боғларини сайр қилишни ёки дарахтлар соясида мазза қилиб истироҳат қилишни хоҳловчилар кам эмас эди. Бу ерга қанча одам келмасин, уларнинг дилкаш суҳбатларига ҳеч нарса халақит бермасди, зотан, боғ 9 гектар жойни эгаллаган эди.

Столларга нималар қўйилганини ёзиб ўтирмаймиз. Фақат шуни таъкидлаймизки, пазандаларнинг маҳорати ва фантазияси таом шинавандаларининг энг зўр фантазиясидан ҳам ўтиб тушди. Шунақа бўлиши турган гап эди-да! Ахир, базми жамшид тепасида КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари, Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси Ёдгор Содиқовна Насриддинова — қуёв боланинг бахтли онаси турган эди. Столнинг бир томонига Республика Компартияси Марказий Комитети бюросининг биринчи секретар бошчилигидаги аъзолари ва бошқа давлат ҳамда партия арбоблари жойлашишди, бошқа томонда ҳам масъул ходимлар — улар орасида министрлар, савдо марказларининг раҳбарлари — озиқ-овқат ва саноат товарлари барча турларининг хўжайинлари жойлашишди. Меҳмонларнинг ҳаммаси ўзига хос рўйхатдан ўтишарди: область партия комитети биринчи секретарининг синглиси раҳбарлигидаги махсус ажратилган бригада ким қандай совға олиб келганлигини ёзиб турарди. Министрлар ва меҳмонларнинг кўпчилиги қимматли совғалар олиб келишди, бироқ тилла соатлар, билакузуклар, гиламлар билан чегараланиб қўя қолганлар ҳам оз эмас эди. Тўғри, совғаларнинг ҳаммаси ҳам рўйхатга олинмади. Айтайлик, чет элда ишлаб чиқарилган хобхона гарнитури ва бошқа катта буюмлар ҳали тўй арафасидаёқ шаҳардаги квартирага келтириб берилган эди.

Тўймисан тўй бўлди. У ҳақида фақат Ўзбекистонда эмас, балки бошқа республикаларда ҳам гап-сўз юрди. Гап-сўзлар Москвагача, Леонид Ильич Брежневгача ҳам бориб етди.

Тўй яна шунинг учун ҳам кўнгилдагидек ўтдики, унгача иккита бош репетиция ўтказилган эди. Насриддинованинг икки жияни турмушга чиқишган эди. Уларнинг тўйлари камтарроқ бўлган — ҳар бирида 300 киши қатнашган, лекин ҳар қалай бу тўйлар тажрибани бойитди: уларнинг бирига 8 та, иккинчисига 10 та ошпаз хизмат кўрсатганди. Демак, маълум бўлдики, эндиги тўйга 26 ошпаз керак бўлади. Шунча ошпазни ишга солишди ҳам.

Насриддинова ўғлининг тўйи бу улкан базми-жамшид бўлиб, уни ҳаммадан кўра реаллик эмас, иситма аралаш алаҳлаш, деса бўлади. У тўй эгасининг қиёфасини, унинг маънавий даражаси ва унга ишонч тошширилган вазифага муносабатини тўла равишда очиб беради. Ана шундай одамни Гаврилюк ўқувчига Рашидов ва Яҳёевнинг қурбони, деб таништиришга уринади! У партия ва Совет ҳокимияти йирик давлат арбоби даражасигача кўтарган қарол аёлга Рашидов ва Яҳёев туҳматлар қилишди ва таъқиб остига олишди, деб ёзади. Мен жиноятчиларни оқ қилиб кўрсатиш фикридан узоқман. Аммо, уларга айбни тўнкайвериш етар, бусиз ҳам улар содир қилган жиноятлар етиб ортади. Уларнинг Насриддинова билан муносабатлари тўғрисида фикр юритишга уринмоқчи эмасман, аммо унинг юз тубан кетиши асло туҳматлар натижаси эмас. Тасвирланган тўйнинг асосий меҳмони Рашидовнинг бу ўринда нима алоқаси бор?

Тўғри, Насриддинова собиқ қарол. Аммо, ўша Рашидовнинг ҳам ёрдами туфайли ҳокимият тепасига келгач, у шу ҳокимиятни жамият зарарига, ўзининг шахсий бойишининг чекланмаган манбаига айлантирди. Лекин бунгача бу тафсилотлар, ақл бовар қилмайдиган рақамлар, бу бемазагарчиликлар менга қаердан маълум бўлганлиги ҳақидаги саволга жавоб беришим керак.

СИДҚИДИЛДАН тан оламан: бу ишда мен ўз хизмат бурчи ва виждони бўйича Насриддинованинг кирдикорларини узоқ вақт таҳлил қилган одамлар меҳнатини ҳаллолик билан ўргандим ва таҳлил қилиб чиқдим. Аввало КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг масъул контролери С. Вологжанин олти марта Ўзбекистонга келганлигини, партия контроли комитетининг масъул контролери А. Левин, КПСС Марказий Комитети аппарати, СССР Прокуратураси вакиллари бу ишни ўрганишга кўп меҳнат сарфлаганликларини айтиш керак. Бу улардан кўплаб шахсий жасорат кўрсатишни талаб қиладиган меҳнат эди. Чунки, мамлакат ҳокимиятининг энг олий эшелонидаги катта кучлар ишнинг холисона қараб чиқилишига қаршилик кўрсатдиларки, бу ҳақда кейинроқ гапирамиз.

Мен бўлсам ўз вазифамни шу билан чеклайманки, тўй эпизодидан гап бошлаб, кейин ҳужжатлардан ва ҳақиқатга эришиш йўлида анчагина куч ва асабларини сарфлаганларнинг гапларидан кўчирмалар келтираман.

Насриддинованинг иши Марказкомнинг Сиёсий бюроси аъзоси, партиянинг юқори контрол органи раҳбари А. Пельше ва унинг биринчи ўринбосари И. Густовнинг бевосита иштирокида таҳлил этилганлиги юқорида тилга олинган кишилар чиқарган хулосаларнинг тўғрилигига ишонч бахш этади. Улар партия контролерларининг ҳаракатларини ўз эътиборларидан қочирмай, амалда барча текширувлар билан шуғулланишди. Насриддинованинг партиядан ўчириш ва судга бериш учун биргина тўйнинг ўзи етарли эди. Республиканинг барча раҳбар ходимлари учун, фақат улар учунгина эмас, бу қандай намуна бўлдийкин? 17 ўртоқнинг жаннатдаги ҳаёт тўғрисидаги таассуротлари ҳақида айтиб берганлари Москва давлат университети студентларига қандай таъсир этганлигини тасаввур қилиш мумкин. Бу менинг гапларим эмас. Бу уларнинг гапи.

Аркадий Сахнин

ПОРАХЎРЛИК

Бир аёлнинг ҳаётидан олинган фактлар асосида ана шу одатни таҳлил қилишга уриниш

Аммо, Леонид Ильич йирик давлат арбобини хафа қилишни хоҳламади. У, бу шармандали ҳодисага қандай муносабатда бўлганлиги аниқ ёзиб қўйилган:

— Сен ахмоқлик қилибсан, тўйингда нималар бўлибди-я?! — бироз ойиган бўлди у Насриддинови.

— Сизнинг танбеҳингизни ҳисобга оламан, Леонид Ильич, — деди у айбдорона.

Бу жавоб уни қаноатлантирди. Насриддинова ҳам ҳисобга олди. Тушундики, унга ҳамма нарсани қилиш мумкин ва шундан кейин яна ҳам талтайиб кетди.

Шундай қилиб, Брежневнинг фақат Насриддинованигина эмас, бошқаларга ҳам йўл қўйиб берган «кўнгилчанлиги» турғунликка олиб келган ҳар қандай суиистеъмолликлар ва порахўрликлар учун замин, ва барча шарт-шароитларни яратиб берди.

1974 йилда Ё. Насриддинованинг давлатга катта моддий ва маънавий зарар етказган йирик суиистеъмолликлари тўғрисида КПСС Марказий Комитетига ишонтирадиган ҳужжат келиб тушди. Йўқ, ҳужжатда гап тўй ҳақида эмас эди, унда Насриддинова республика Олий Совети Президиумининг Раиси бўлиб турган вақтида содир қилган хийла жиддий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ёзилган эди.

СССР Олий Советининг сессияси яқинлашиб қолган, Насриддинова эса ўша вақтда Миллатлар Советининг раиси эди ва уни ана шу лавозимга тавсия этиш хусусидаги масала олдиндан ҳал этиб қўйилганди.

Тушган сигнални тезкорлик билан, жуда бўлмаса дастлабки текшириш маъносида суриштириб кўриш зарурати пайдо бўлди. Бунинг учун КПСС Марказий Комитети республикага нуфузли кучларни юборди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети аъзоси Г. Осипов, масъул контролер С. Вологжанин, КПСС Марказий Комитети Партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг инструктори М. Ишков ва КПСС Марказий Комитети маъмурий органлар бўлими инструктори Ю. Сверин республикага келдилар.

Бир неча кунлик тиғиз иш олиб бориш уларни Насриддиновани ўзининг хизмат мавқеини суиистеъмол қилганликда, катта жиноятлари учун ҳукм этилган шахсларни авф этиш тўғрисида асосланмаган ва ғайри қонуний фармонлар чиқарганликда ва бошқа ғайриқонуний, ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлар қилганликда айблаш учун жиддий сабаблар бор, деган яқдил хулосага олиб келди. Бу дастлабки хулосалар КПСС Марказий Комитети Секретариатига етказилди.

Муфассал фикр алмашилганидан кейин Насриддиновани Миллатлар Совети раислиги лавозимига тавсия қилишдан тийилиб туриш ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетига янада чуқурроқ текшириш ўтказишни тавсия этишга қарор қилинди. Бу сафар текшириш ҳам синчковлик билан ва атрофлича ўтказилди, унда партия ходимлари, турли ихтисосдаги мутахассислар, ҳуқуқ-тартибот органларининг масъул вакиллари қатнашдилар ва текшириш бир ҳафта эмас, бир ой эмас, балки бир йилдан кўпроққа чўзилди. Кейинчалик ўқувчи партиявий текшириш нега шунчалар узоқ муддатга чўзилганлиги ва у билан параллел равишда тергов ишлари олиб бориш заруратини келтириб чиқарган сабабларни тушуниб олади. Ҳозирча ҳақиқатни аниқлашга республикада ва Москвада жуда таъсирли кучлар катта қаршилик кўрсатганликларини эслатиб ўтиш билан чегаланаман. Бунга мисоллар анчагина, шулардан фақат биттасини келтираман.

С. Вологжанин: «Текширув давомида социалистик мулкни талон-торож қилган йирик жиноятчилар ва порахўрларнинг судлов ишлари билан танишиш зарурати пайдо бўлдики, улар авф этиб юборилган эди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Матчонов делоларни кўрсатишниман этди. Биз уни суҳбатга таклиф этдик:

— Марҳамат қилиб тушунтирсангиз, нега сиз бундай кўрсатма бердингиз?

— Бўлиши мумкин, аммо биз партия Марказий Комитети қарори бўйича иш кўряпмиз.

— Мен эса мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи кўрсатмаси бўйича иш тутмоқдаман.

— Буни қандай тушунса бўлади? Сиз коммунистсиз, бинобарин партия интизомига бўйсунишга мажбурсиз.

— Лекин сиз ҳам мени тўғри тушунинг. Мен республика Олий Совети Президиумининг Раисиман, менга эса СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Подгорний шахсан телефон қилиб, сизларни судлов делолари билан таништиришни ман қилди. Мен унга бўйсунмасам бўладими?

Суҳбатимиз биз истаган натижага олиб келмади.

Бўлиб ўтган воқеа тўғрисида ўртоқ Пельшега ахборот бердик. Фақат у аралашганидан кейингина биз зарур ҳужжатларни олишга муваффақ бўлдик. Шуни айтиш керакки, бу Партия контроли комитетининг раиси текширувнинг конкрет ишлари билан бевосита шуғулланганлигини кўрсатувчи бирдан-бир ҳол эмас».

Пировардида судлов делоларини контролдан бекитишга нега уринганликлари равшан бўлди. Делолардан 85 таси ўрганилиб, шу нарса аниқланди: 1966—1969 йиллар мобайнида узоқ муддатларга қамоққа ҳукм қилинган катта талон-торожчилар ва порахўрлар республика Олий Совети Президиумининг Раиси Насриддинова имзо чеккан Фармонлар билан ҳеч қандай асоссиз авф этиб юборилган.

✦ СССР ПРОКУРОРИНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ЁЗМА АХБОРОТИДАН (1975 йил сентябрь):

«СССР Прокуратураси ўтказган ҳар томонлама текшириш натижасида Ё. С. Насриддинова Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўла туриб, 1959 йилдан 1970 йилгача судлов-тергов органларининг фаолиятига аралашиб мунтазам равишда қонунга қаршн ҳаракатлар қилиб келган, давлат ва жамоат маблағларини катта миқдорда ўғирлашда айбдор бўлган, шунингдек, бошқа жиноятлар содир қилган шахсларни ҳимояга олиб, алоҳида хавфли жиноятлари учун узоқ муддатларга ҳукм қилинган шахсларнинг асоссиз равишда авф этилишига эришган...»

✦ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПАРТИЯ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ МАСЪУЛ КОНТРОЛЕРИ А. ЛЕВИН:

«У уялиб ўтирмасди. Зилзила рўй бериб, Тошкент аҳолиси уй-жойга жуда муҳтож бўлиб турган бир пайтда Насриддинова ўзига берилган ва ҳеч қандай шикаст етмаган 100 квадрат метр майдонга яқин хос уйини капитал ремонтдан чиқартирди. Кейинчалик уни ўз синглисига ўтказиб юборди, унинг эвазига эса 120 квадрат метр майдонга эга бўлган 7 хонали янги квартира олди. Москвага ишга жўнаб кетганида ҳам у бу квартирани топширмади, балки икки хоналик хусусий уйи бўлган қизига қўшимча равишда «иньом» этди.

Насриддинованинг эри С. Нуриддинов ғайри ахлоқий хулқи ва ишдаги камчиликлари учун касаба союзлари республика Советн раиси лавозимидан олиб ташланди.

У вафот этганидан кейин Насриддинова Прядильная кўчаси эрининг номи билан аталишига эришди. Бу қарор Тошкент шаҳар ижроия комитетида муҳокама қилинмади. Ижроия комитетининг 11 аъзосидан тўрт кишидангина фикр сўраб, ана шуни қарорга ўтказиб юборишди. Ўша қарор фақат Партия контроли комитети текшириши жараёнида бекор қилинди».

✦ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПАРТИЯ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИДАН:

«Насриддинова дахлдор бўлган ҳамда унинг қўллаб-қувватлаши ва ҳомийлигидан фойдаланган шахслардан иборат жиноий группаларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида социалистик мулкни жуда катта миқдорда оммавий талон-торож қилиш, порахўрлик фактлари фош этилди. Ҳаммаси бўлиб 315 киши, жумладан 31 нафар масъул совет ва суд ходимлари судланди. Талон-торожларнинг умумий суммаси 10 миллион сўмдан зиёдни ташкил этди.

Синчиклаб ўтказилган партиявий текширув натижасида ва тергов ҳаракатлари йўли билан Насриддинованн ҳокимиятдан фойдаланиб катта жиноятчиларни авф этиш ва уларга берилган жазо муддатларини қисқартириш тўғрисидаги қонунга хилоф фармонларга имзо чекишда, бунинг эвазига пора олганликда айбловчи кўплаб фактлар аниқланди. Терговнинг аниқлашича, у масъул лавозимларга кишиларни ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик йўли билан тайинлаб ва квартираларни қонунсиз равишда бериб, пора олган...

Қамоққа олинган 14 киши Насриддинова порахўрлик билан шуғулланганлигига гувоҳлик берди ва бунн тасдиқловчи 50 та воқеани келтирди...»

Насриддинова бирорта ҳам порахўрлик фактини тан олмайди. Аммо қандай қилиб тан олмаслик мумкин?! ССР Иттифоқи Бош прокурори ўз справкасида маълум қилишича, буфет мудири Агоева берган гувоҳликка кўра, у 1965 йилда Насриддинованнг квартирасида унга 4000 сўм миқдорида пора ва олмос кўзли қадимий узукни (баҳоланган нархи 20000 сўм) берган. Агоева бу порани 10 килограмм наркотик билан қўлга тушган, икки марта судланган эри — Салказановни авф этиш учун берган. Тез орада Насриддинова уни авф этиш ҳақидаги фармонга имзо чекади ва жиноятчи озодликка чиқариб юборилади.

Насриддинова гўёки ҳеч қандай Агоевани танимайман, умримда уни ҳеч қачон кўрмаганман, Агоева ҳеч қачон квартирамда бўлмаган, деб айтади.

Сўнгра Бош прокурор бундай деб ёзади: «Агоева Насриддинованнг уйидаги ҳолатни ва уй-рўзғор буюмларини, жумладан, идишга чирмашган, зарҳалланган илон тасвири туширилган ғаройиб биллур графинни ҳам тасвирлаб берди. Агоева ўз гувоҳлигини Насриддинова билан юзма-юз қилинганда ҳам тасдиқлади.

Насриддинованнг уй ходимаси Афонина Агоевани таниди ва уни 1965 йилда Насриддинованнг уйида кўрганлигини айтди. Шунингдек, Афонина Агоева берган гувоҳликнинг уйдаги буюмларни тасвирлаб айтган қисмини ва ғаройиб биллур графин ҳақидаги гапни ҳам тасдиқлади.

Агоеванинг қариндош-уруғлари унда ҳақиқатан ҳам 1965 йилга қадар олмос кўзли қадимий узук бўлганлигини тасдиқладилар...

Сўроқлар ва юзма-юз учраштириш пайтида Насриддинова Агоева билан таниш эканлигини ҳамда Салказановни авф қилиш учун пора олганлигини иккор этди...»

У ҳатто, тилидан тутилган ҳолларда ҳам ўз айбини иккор этиб турaверди. Масалан, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг мажлисида комитет аъзоси Г. Осипов Насриддинованга мурожаат қилиб бундай дейди: «Сиз ўглингизнинг тўйига тайёргарлик учун сарфланган харажатларни бу харажатлар гўёки Тошкентга ўртоқ Косигин билан биргаликда Ҳиндистон ва Покистон намояндаларининг келганлиги муносабати билан сарфланган, деб изоҳлашга уринясиз. Аммо бундай эмас. Уч давлат раҳбарларининг кенгаши 1966 йилда бўлган эди, сарф-харажатларни эса сиз 1969 йилда қилгансиз».

Гўё бу фактни қандай қилиб ҳам иккор этиш мумкин дерсиз? Шунга қарамай, у барибир ўжарлик билан ўз сўзида туриб олди.

Худди ўша справкада Бош прокурор яна қуйидагиларни маълум қилади:

«Собиқ колхоз раиси, кейинчалик эса Урганчдаги вино заводи директори бўлиб ишлаган, қатор йиллар мобайнида жуда катта миқдордаги талон-торож билан шуғулланган Аллаберганова 1968—1973 йилларда фақат уч марта қабулида бўлишнинг ўзида Насриддинованга 45.000 сўм миқдордаги олтин буюмлар берганлиги, олтинни мева солинган қутиларда жўнатганлиги тўғрисида гувоҳлик берди. Насриддинова ўз навбатида вино заводининг ходимлари ҳисобдан яширилган арақ ишлаб чиқарадиган цехни кенгайтиришга ёрдам берди.

Мазкур фактлар Насриддиновага Тошкент ва Москвага ана шу қутиларни ташиб элтиб берган кишиларнинг гувоҳлиги, Аллаберганованинг Насриддинова билан алоқалари тўғрисида хабар топган айбланувчи вино заводи ходимларининг гувоҳлик беришлари билан тасдиқланади. Самарқанд район ижроия комитетининг собиқ раиси Олчинбоева, Ўзбекистон Компартияси Хива район комитетининг собиқ секретари Раҳмонов, Андижон шаҳар кинотеатрлари бирлашмасининг собиқ директори Зулунова, «Ўзтекстильпром» базасининг собиқ бошқарувчиси Салимхонова ва «Юлдуз» фирмасининг собиқ директори Абдуллаевалар ҳам Насриддиновага пора берганликлари ҳақида гувоҳлик бердилар».

Насриддинова жиноятларни ёпиб кетиш ва ўз «боқувчилари»га ёрдам беришда ҳайратланарли топқирлик кўрсатди. Аллаберганова айблов қўйилиб, ундан ҳеч қаергa сафарга чиқмаслик тўғрисида тилхат ёздириб олинганидан сўнг Насриддинова уни Москвага чақиртириб олиб, Ўзбекистоннинг таниқли пахтакори ниқоби остида РСФСР Соғлиқни сақлаш министрлиги 4-Бош бошқармасининг махсус касалхонасига жойлаштирди.

Ана шу «таниқли пахтакор»нинг уйи тинтув қилинганларининг фаолиятига аралашиб, амалда республика Олий суди ҳукмларини бекор қилишни ўзига эп кўргани сингари, Подгорний ва Брежнев унинг ҳам жиноий, ҳам партиявий шахсий ишига аралашишни ўзларига эп кўришди. Улар партия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига тазйиқ ўтказишди, яъни қонунга хилоф ҳаракатлар қилишди. Шу боис ҳам мутлақо ғайриқонуний, эҳтимол, тўла табиийдирки, улар бунинг учун ҳеч қандай жавобгарликка тортилмадилар, чунки ҳеч ким уларни назорат қилмас эди.

Ҳукмдорлар ҳокимияти томонидан тазйиқ ўтказиш, уларнинг йирик жиноятчиларга ҳомийлиги жуда рангбаранг шакллар касб этдики, ҳатто у суд томонидан қонуний йўл билан қабул қилинган қарорларни бекор қилишгача бориб етди. Масалан, порахўрлиги ва хизмат вазифасидан фойдаланиб, бошқа ғаразли суиистеъмолликлар қилганлиги учун 8 йилга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланган Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг собиқ раиси Р. Қурбоновга нисбатан чиқарилган ҳукмни нима қилишди денг? Ҳукм чиқарилганидан сўнг бир ярим йил ўтгач, Қурбоновни қамоқ жойидан муддатидан олдин озод этиш тўғрисида Брежнев имзоси билан СССР Олий Совети Президиумининг Фармони чиқарилади. Тез орада худди шундай осонлик билан Брежнев иккинчи Фармонга — Қурбоновдан ўғирланган молларни ундиришни тўхтатиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекади. Қурбоновнинг қўлига кирган 40 минг сўмдан зиёд пул шу тариқа унинг ўзида қолиб кетаверди. Яна бир мунча муддат ўтгач эса, Қурбонов ўз вақтида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети томонидан ҳақли равишда партиядан чиқарилган бўлишига қарамай, яна умумий асосларда аввал партия аъзолигига кандидат, сўнгра эса партия аъзоси этиб қабул қилинди.

Шахсга сиғиниш режими ҳам, турғунлик йиллари ҳам худди ана шу партия назоратининг ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар партиянинг барча аъзолари учун бирдай мажбурий бўлган интизомнинг йўқлиги туфайли юзага келди. Бундай ҳоллар келгусида такрорланмаслиги учун ҳам XIX партия конференцияси партияда дахлсиз контрол органи ташкил этиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйди.

НАСРИДДИНОВАни фош этишга қарши жуда қаттиқ қаршилик кўрсатилишига қарамай, партия назоратчилари ўз бурчларини сабот билан бажариб, ҳақиқатга эриша бордилар. Ҳақиқат қадамба-қадам юзага чиқа боргани сари Насриддинованнг ҳомийлари ҳам шу қадар кўпроқ ғазабга келдилар. Улар Партия контроли комитетининг Насриддинович партия сафидан чиқариш ҳақидаги қарорини Марказий Комитет раҳбариятига ошкора қарши чиқиш сифатида қабул қилдилар.

Насриддинова бошидан кечирган ҳаёт ҳам «гўзал»! Тошкентда квартира ва Тошкент яқинида дала ҳовли, айни вақтда Москвада бирбирига туташтирилган ва шу сабабли ҳам 27-28 номерларини сақлаб қолган иккита квартира ҳамда Москва яқинида дала ҳовли, Японияга, Канадага ва бошқа мамлакатларга оилавий сафар, биллур қадаҳлар жаранги, хизмат кўрсатган ва халқ артистларининг қўшиқ ва рақслари билан эркалайдиган базми-жамшидлар...

Насриддинова ана шундай турмуш тарзини анча тез ва ҳамишаликка ўзлаштириб олди. Бугунги кунда у, Тошкентдаги квартирасини қизига бериб, ўзи Москвадаги ўша бирлаштирилган квартирасида яшамоқда, Москва яқинида давлат дала ҳовлисига, давлат машинасига эга, моддий жиҳатдан юқори даражада таъминланган, иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер обрў-эътиборидан фойдаланмоқда. Ундан партиявий жазони аллақачон олиб ташлашган, Партия контроли комитети назоратчилари унинг қилмишлари тўғрисидаги справкани юмшатишни рад этган бўлсаларда, бу жазо бизга таниш бўлган амр ўтказиш йўли билан олиб ташланган.

Насриддинова бизнинг янги давримизда гўё жимгина яшайвериши керакдай эди. Бироқ аксинча, у ҳаммаёқни бошига кўтариб, тўполон қилишда давом этмоқда. «Нигоҳ» телевизион программасида СССР Бош прокурорининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси Н. Иванов у ҳақда хуш келмайдиган фикрни айтди. Шундан сўнг журнал мухбири Гаврилюк ўзининг мақоласида Насриддинованнг судга ёзган аризасини келтиради: «...Судга шу нарсани айтишни зарур ҳисоблайманки, Н. В. Ивановнинг айтган мазкур фикри туҳмат бўлиб, ҳақиқатга тўғри келмайди ҳамда менинг ор-номусим ва обрў-эътиборимни топтайди. Суддан СССР Прокуратурасининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси Н. В. Ивановни мендан «Нигоҳ» телевизион программасининг энг яқин кўрсатувларидан бирида жамоатчилик олдида кечирим сўраттиришни илтимос қиламан. Ё. С. Насриддинова».

У ор-номус, обрў-эътибор, сингари бундай мўътабар сўзларни қандай қилиб айта олди экан? Дарвоқе, унинг қўлидан ҳар қандай иш келади. У партия аъзоси, СССР Олий Советининг депутати бўла туриб ўзини фош этган кишилар билан юзма-юз қилинган учрашувларда, қийин вазиятдан чиқиб кетиш, уларни рад этиш имкониятидан маҳрум бўлгач, сумкасидан олган қуруқонни ўртага солиб, ўзини айбловчиларнн, уларнинг болаларини ва бутун авлод-аждодларини қарғай олди-ку! У бир неча марта шундай қилди, ҳатто терговчиларнинг иштирок этаётганларидан ҳам хижолат чекмади.

Насриддинова судга ариза берганида мамлакатимиз ҳозир бутунлай бошқача ҳаёт кечираётганлигини тушуниб етмади. Унинг ўзи, ўз-ўзидан хурсанд бўлиб ҳоравериладиган даврлардаги каби кибру-ҳаво билан: «Қачондан буён партия Марказий Комитети аъзосига ёзилган хатни прокуратурага кўриб чиқиш учун юборадиган бўлишди!» деб айтиш мумкин бўлган ва ўтиб бораётган бошбошдоқлик дунёсида ҳамон қолиб кетмоқда. У ўзини дахлсиз одам ҳисоблаганди ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайди.

У-ку майлия, журнал мухбири-чи! Суд ҳақида гап очилдими, уни охиригача етказиш керак эди. Бу воқеа қандай тугаганлигини мухбир нега айтмади экан? Район суди Насриддинованнг норозилик хатини рад этди, сўнгра у шаҳар судига ёпишди. Бироқ у ерда ҳам рад этишди. Мухбир Насриддинованнг судга ёзган ва жуда латифага ўхшаб кетадиган яна бир аризаси тарихи ҳақида лом-мим демайди. «Неделя»да эълон қилинган бир суҳбатда қандайдир «юқори мартабали порахўр аёл» эслатиб ўтилган эди. Шундан кейинроқ Насриддинова редакцияни судга бериб, ор-номуси таҳқирланганн учун кечирим сўрашларини талаб қилди. Ўнғайсиз бир ҳолат юзага келди. Судда унга агар сиз порахўр аёл қиёфасида ўзингизни кўрган бўлсангиз, бу сизнинг шахсий ишингиз, биз эса фамилияси номаълум бўлган кишининг ор-номуси ҳақоратланганлиги ҳақидаги ишни кўриб чиқа олмаймиз, деб тушунтиришди. Насриддинови билан ҳолда, энди у мақола муаллифи ва газетани ҳам судга беришига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Нима ҳам дердик, майли бундай суд жараёни очиқ, ошкора, халқ олдида бўлсин. Жамиятга порахўрлик устидан, у юзага келтирган барча иллатлар устидан бўладиган бундай суд жуда керак.

«Гаранглар фитнаси» мақоласи автори билан баҳслашиб ўтириш истагим йўқ. Фақат мен катта ҳурмат билан қарайдиган журнал учун афсусланаман, холос. Бошқа томондан эса, эҳтимол, бундай мақоланинг пайдо бўлганлиги яхши ҳамдир — айнан шу мақола туфайли биз ҳали эскиликка ёпишиб олган кучлар бу қадар ожиз ва бечараз эмаслигига, улар ҳали курашсиз енгилиш ниятида эмасликларига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Шундай бўлса-да журналист қўллаган усуллар ҳақида гапирмай ўтолмайман. У ўз мақоласида Партия контроли комитетининг собиқ масъул назоратчиси С. Вологжанин ҳамда Партия контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари билан телефон орқали суҳбатлашганлигини келтиради. Мен ҳам улар билан суҳбатлашдим, лекин асло телефон орқали эмас. Маълум бўлишича, уларнинг ҳар иккалови ҳам фактларни бузиб кўрсатувчи бундай мақолани эълон қилмаслик керaклигини қатъий туриб айтибдилар. Афсус...

Турли йилларда Ўзбекистон Олий суди Насриддиновага нисбатан уни жиддий жиноятлар қилишда айбловчи тўртта хусусий ажрим чиқариб, ўз қарорини СССР Олий Советига ва Бош прокурорга юборган. Ўша вақтда СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимида бўлган Подгорний бу ҳужжатларга йўл бермай, прокуратурага улар билан шуғулланишни

Маданиятимиз арбоблари

МУРАББИЙНИНГ БАХТИ

Кенг ва ёруғ хона овоз ёзиш ва эшиттириш аппаратлари билан жиҳозланган. Ўриндиқлар юзасига ёритгич лампочкалар ўрнатилган, деразаларга эса қора парда тортилган. Талабалар қўнғироқ чалинишини орзиқиб кутишмоқда. Хонага профессор Лев Владимирович Гентшке шахдам кириб, талабаларга меҳрибонлик билан салом берди-да, кафедрадаги тугмачалардан бирини босди. Шу лаҳза Л. Родин сўзи билан «Ўртоқлар, дадил қадам ташланг...» деб бошланадиган революцион қўшиқ янгради, экранда эса рассом Т. Долгоруковнинг «Битсин ҳокими мутлоқлик!» плакати товланади. Унинг пастки қисмида В. Маяковскийнинг даъваткор сўзлари битилган.

Талабаларнинг нигоҳи экранга михланди. Ғоявийлик жозибасига йўғрилган қўшиқ таъсири остида улар Россиядаги кўп миллатли ишчилар синфи бошлаган революцион курашни кўз олдиларига келтириш билан бирга ўзларини ҳам гўё ўша суронли дамларда иштирок этаётгандай ҳис этдилар. Бу ҳиссиёт таассуроти профессорнинг қисқа ва таъсирчан сўзларидан янада кучайди. Талабалар гўё сеҳрланган ҳолатда лекцияни тинглаш ва уни ёзиб олишга ошиқдилар...

— Бундан 83 йил муқаддам Россияда биринчи рус революцияси бошланганлиги сизларга маълум, — дея сўз бошлайди Лев Владимирович. — Бугунги лекциямиз ана шу буюк революция — Октябрь социалистик революциясининг бош репитициясига бағишланади.

Профессор талабалар эътиборини экранда янгидан пайдо бўлган ёзувларга қаратди...

Бу, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети гуманитар факультетларининг КПСС тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Лев Владимирович Гентшкенинг дарсларидан бир лавҳа. Унинг ўзига хос лекция ўқиш услуби ва принциплари бор. Профессор ҳар бир дарсида мавзунинг бутун мазмунини ўз ичига қамраб олувчи бош масалаларни аниқ белгилаб олади. шуларга оид музика ва бошқа фоноёзувлар, тематик кинолавҳа ҳамда турли суратларнинг умумлашмасидан атрофлича фойдаланади. Шунинг учун унинг ҳар бир лекцияси ҳам, илмий докладлари ҳам доимо чуқур, марксча-ленинча теран ғоявийлик, тарихий ва замонавийлик, синфий муросасизлик ҳамда таъсирчанлик кучига эга.

Л. В. Гентшкенинг болалик даври Россияда ишчилар ҳаракати қайта тикланиб, революцион жанглар ғалаба қозонган, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кураш йилларига тўғри келди. Етти йиллик мактабни тугатиб, фабрика-завод ўқув юртида таҳсил кўрди. Сўнг Москва автомобиль заводида слесарь бўлиб ишлай бошлади.

Ёш ишчида социалистик жамият қурилишида фаоллик кўрсатиш истаги жуда эрта уйғонди. Ўн етти ёшида комсомол сафига кирди, 19 ёшида илғор ишчи сифатида партия аъзолигига кандидатликка, кейинроқ эса ҳақиқий аъзоликка қабул қилинди.

20 ёшли слесарь Л. Гентшке 1933 йили Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигига оператив ходим сифатида ишга олинади. Илмга чанқоқлик ва тарих фанига ҳавас уни ўқиш ва изланишга ундар эди. Шунинг учун ҳам у В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга киради. У билим даргоҳида аъло ўқиш билан бирга унинг комсомол ташкилотига бошчилик қилади. Аммо университетни муддатида тугатиш олмади. У фаол жамоатчи ва ташкилотчи сифатида партия топшириғи билан комсомол ишига олинади. Аввал Тошкент шаҳри, сўнг Тошкент область комсомол комитетларида масъул лавозимларда ишлайди. Немис фашистлари она тупроғимизга хиёнаткорона бостириб кирган йилдан бошлаб Л. В. Гентшке Қизил Армияда сиёсий ходим бўлиб ишлайди. 1949 йилдан бошлаб университетга қайтиб, ўқишни давом эттиради.

Л. В. Гентшке университет тарих факультети аспиранти бўлган кезларда тинмай изланди, кандидатлик диссертациясини ёқлади. Шу йилдан бошлаб Л. В. Гентшке университет илмий кенгашининг илмий котиби, проректор, биринчи проректор, докторлик ва кандидатлик диссертацияларини ёқлаш илмий кенгашининг раиси, ижтимоий фанлар бўйича университет илмий кенгашининг раиси сингари масъул лавозимларда сидқидилдан хизмат қилди. 1964 йилда эса у «Ўзбекистонда халқ хўжалигини тиклаш ва социализмнинг пойдеворини бунёд этиш даврида касаба союзлари (1924—1932 йиллар)» мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди.

Профессор катта илмий ва педагогик истеъдод эгасидир. У 180 дан ортиқ илмий-методик асарлар ёзди. Унинг ижодий ва педагогик фаолияти кўпроқ партия қурилиши, касаба союзлари ва ўқитиш методикаси соҳаларига бағишланган, 60-йилларда Л. В. Гентшке республикамизда касаба союзлари ҳаракатининг пайдо бўлиши ва унинг социализм қурилиши, жамиятда тутган ўрни муаммоларини атрофлича ишлаб чиқди. Бу соҳада унинг «Ўзбекистонда касаба союзларининг ташкилий жиҳатдан уюшиши», «Ўзбекистон касаба союзларининг социализм қурилишида иштирок этишининг тарихий тажрибалари» ва бошқа асарлари маълумдир. 70-йилларда у социалистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда партиявий ташкилотлар ролининг ошиб бориши, партия қурилиши ҳамда КПСС тарихини ўқитиш методикасига оид муҳим масалалар билан шуғулланди.

Профессорнинг республикада илмий кадрлар тайёрлаш ишига қўшган ҳиссаси ҳам беқиёсдир. У бошчилик қилаётган кафедра ижодий лабораторияга айланган. Кейинги йилларда бу ерда 200 га яқин докторлик ва кандидатлик диссертациялари тайёрланди. 40 дан ортиқ фан доктори ва кандидатига Лев Владимировичнинг ўзи бевосита раҳбарлик қилди.

Лев Владимирович сермаҳсул, тиниб-тинчимас олим. У қайси илмий мавзуга қўл урмасин уни ленинча партиявийлик, илмий объективлик нуқтаи назаридан ҳал қилишга интилади. Олимнинг республика вақтли матбуотида партия тарихидаги «оқ доғлар» юзасидан бошланган мунозаралардаги фаол иштироки бунинг ёрқин далилидир. Шу билан бирга у республика партия тарихида юз бераётган қайта қуришнинг иштирокчиларидан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Л. В. Гентшке шу кунларда «Ўзбекистон Компартияси тарихи»нинг биринчи томини ёзиб тугатмоқда.

...Кенг ва ёруғ хонада дарс бормоқда. Унда тарих фанининг билимдонларидан бири, профессор Л. В. Гентшке мароқ билан лекция ўқимоқда.

С. ҲОЛБОЕВ,
тарих фанлари кандидати.

Профессор Л. В. Гентшке ҳамкасблари даврасида.

Орол бўйи табиати— прокурор назоратида

Қонун йўли билан тайинланган махсус вакиллар Орол бўйи табиатини ўз муҳофазаларига оладилар. СССР Бош прокурорининг бўйруғи билан Орол районлараро табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси тузилди. Нукус шаҳри унинг қароргоҳи қилиб тайинланди, мазкур прокуратура Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида иш олиб боради. Янги муассасанинг раҳбари бевосита Ўзбекистон ССР прокурорига бўйсунади. Нукус шаҳрида Ўзбекистонда биринчи бўлган табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси ходимлари ишга олина бошланди. Илгари ана шундай бўлинмалар. Байкал, Каспий, Қора денгиз регионлари учун тузилган эди.

Ушбу хабарни Қорақалпоғистон АССР прокурори В. Донцов шарҳлайди:

— Табиатни муҳофаза қилиш прокуратурасини тузиш тўғрисидаги қарорни орзиқиб кутган эдик. Бу борада илгари ҳам иш олиб борилган эди. Аммо эндиликда бу иш мустаҳкам ташкилий ҳуқуқий мададга суянади.

Орол бўйи табиати кўп йиллар мобайнида на хўжайинга эга бўлди, на ҳимоя қилинди. КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукуматининг бу райондаги экологик ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш тўғрисидаги қарорига кўра, бу аҳволга тоқат қилиб бўлмайди.

Янги прокуратуранинг вазифаси — табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги Қонунларнинг ижроси устидан назорат ўрнатишдан иборат. Ҳозирги вақтда ичимлик сувнинг етишмаётганлиги, унинг агросаноат оқавалари билан ифлосланаётганлиги Орол бўйининг энг асосий экологик муаммоларидир. Махсус прокуратура Туямўйин — Нукус — Тахтакўпир суви йўли қурилишидаги барча тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини талаб қилади. Бу муассаса сув муҳофазаси минтақаларининг аҳволи устидан, корхоналар, деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликлари Қонунларни қандай бажараётганликлари устидан назоратни кучайтиради. Назорат планларини коллектор-зовур шохобчалари бунёд этиш планлари билан боғлаш лозим бўлади. Хоразм ва Қорақалпоғистон ерлари пестицидлар билан заҳарланган. Табиат муҳофазаси прокурори қишлоқ хўжалик технологияларига риоя этиш юзасидан норматив актларни назорат қилиши лозим.

Ўзбекистонда биринчи бўлган табиатни муҳофаза қилиш прокуратурасининг ходимлари фақат беш кишидан иборатдир. Шунинг учун ҳам иш Қорақалпоғистон АССР, Хоразм области, бошқа областлар прокурорлари билан мустаҳкам алоқада олиб борилади. Район прокуратураларида табиатга зарар етказилаётганлигини аниқлаш учун эксперт группалари тузилади.

Орол бўйини қутқариш программаси комплекс тарзда ҳал этилмоқда. Кўп ишлар министрликлар ва идоралар, мансабдор шахсларга боғлиқдир. Орол районлараро табиатни муҳофаза этиш прокуратураси табиатни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ишида қудратли қурол бўлиши керак.

(ЎзТАГ).

Газета ва журналлар — ҳар бир хонадонга

ЯНГИ ГАЗЕТА

1989 йил январидан СССР Министрлар Советининг органи — «Правительственний вестник» («Ҳукумат вестниги») газетаси чиқа бошлайди. Газета жамоатчиликни ҳукумат фаолиятидан мунтазам хабардор этиб туради, қайта қуришнинг масъулиятли босқичида мамлакат иқтисодий, социал ва маданий турмушининг энг муҳим муаммоларини муҳокама этиб боради. Ҳозир барча кишиларни қизиқтираётган масалалар — нарх белгилаш ва хўжалик ҳисоби, хўжалик механизмини такомиллаштириш, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш йўлидаги муаммолар ҳамда ечимлар янги нашрнинг диққат марказида бўлади. Давлат арбоблари, етакчи олимлар ва мутахассислар, хўжалик раҳбарлари — газета муаллифлари бўлишади.

Газета саҳифаларида СССР Министрлар Совети билан иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг мажлисларидан репортажлар бериб бориш, ҳукуматнинг ғоят муҳим қарорлари қандай тайёрланишини, уларнинг қабул қилинишини ёритиш, қарорларнинг бажарилишини таҳлил қилиб туриш кўзда тутилади. Таҳлилий шарҳлар, статистика, социологик тадқиқотлар маълумотлари ҳам бериб борилади. Дўст социалистик давлатлар, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлар билан ҳукуматларaро мулоқотлар газетада ўз ифодасини топади.

«Правительственний вестник» газетаси хўжалик раҳбарлари, партия ва совет органларининг ходимлари, олимлар, лекторлар ва пропагандистлар учун ҳукумат фаолияти билан, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларини амалга ошириш практикаси билан қизиқувчи барча гражданлар учун ахборот ва справка материалларининг муҳим манбаи бўлиб қолади. Газетанинг иши СССР Министрлар Советининг, марказий иқтисодий органлар, министрликлар ва идораларнинг фаолиятидаги ошкоралиги совет жамиятида иқтисодий ислоҳот ва революцион қайта қуришнинг бутун боришини чуқурлаштириш манфаатлари йўлида кенгайтиришга қаратилган.

Оммавий ахборот воситаларининг танқидий мақолаларига ва меҳнаткашларнинг хатларига ҳукумат органларининг муносабати тўғрисида газетхонларни мунтазам хабардор этиб бориш, СССР Министрлар Советига келаётган хат-хабарларни таҳлил қилиш, хўжалик юритиш илғор тажрибасини, меҳнат коллективлари ва айрим гражданларнинг қайта қуриш хусусидаги энг муҳим муаммоларга доир таклифлари ҳамда фикр-мулоҳазаларини умумлаштириш газета планларидан жой олади. Шундай қилиб, ўзига хос бир механизм вужудга келтирилмоқдаки, унинг ёрдамида турмушимизнинг ўткир масалалари хусусида афкор оммасининг ҳолатини аниқлаш ва шу асосда бошқарувга доир конкрет қарорлар қабул қилиш учун таклифларни ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Жамоатчилик билан давлат бошқаруви органлари ўртасида икки томонлама алоқани ташкил этиш ҳақида, шунингдек, давлат бошқаруви энг юқори органларининг фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатиш тўғрисида гап боряпти. СССРда ва бошқа мамлакатларда социалистик қурилишнинг тарихий тажрибаси ҳақида, шунингдек, чет эллардаги хўжалик юритиш практикаси тўғрисида ҳам ҳикоя қилиб туриш мўлжалланмоқда.

«Правительственний вестник» газетаси икки ҳафтада бир марта чиқади. Унинг бир сони 15 тийин туради. Бир йиллик обуна баҳоси — 3 сўм 90 тийин. Индекси — 50105. Ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва гражданлар учун «Правительственний вестник» газетасига обуна 1988 йилнинг 1 ноябридан 30 ноябригача ўтказилади. Газета чакана савдога ҳам чиқарилади.

(ТАСС).

«МУХБИР»— «КОРРЕСПОНДЕНТ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

«Совет Ўзбекистони» газетаси ва Ўзбекистон журналистлар союзининг нашри бўлмиш «Мухбир»-«Корреспондент»га обуна давом этмоқда. Журнал 1989 йилдан бошлаб офсет усулида чоп этилади. Журналистлар материалларнинг мазмуни давр ва қайта қуриш руҳига жавоб бериши учун ҳаракат қилишмоқда.

Обуна «Союзпечать» корхоналарида, алоқа бўлимларида ва жамоатчи матбуот тарқатувчилар орқали расмийлаштирилади.

Журналнинг бир йиллик баҳоси — 3 сўм 60 тийин. ярим йиллиги — 1 сўм 80 тийин.

• Спорт

КУРАШ:
ОЛИМПИАДАЧИЛАР ЗАФАРИ

Венгрия пойтахтида эркин кураш бўйича ўтказилган йирик халқаро турнирда кучли полвонлар ўзаро беллашдилар. Сеул Олимпиадасида ғолиблик супасига кўтарилган совет полвонлари бу ерда ҳам астойдил маҳорат кўрсатиб, мухлислар олқишига сазовор бўлишди. Жумладан Сергей Белоглазов, Давид Гобежишвилининг чиқишлари таҳсинга лойиқ бўлди. Тошкентлик Олимпиада чемпионлари Арсен Фадзаев билан Махарбек Хадарцевлар ҳам ғалаба қозонишди.

ФУТБОЛ:
ЙУЛЛАНМАНИ КИМ ОЛАДИ!

Биринчи лига коллективлари эртага сўнгги тур учрашувларини ўтказадилар. Маълумки, «Помир» футболчилари муддатидан илгари олий лигага бериладиган йўлланмадан бирини қўлга киритишган эди. Фахрли иккинчи йўлланма эгаси охирги учрашувлар натижасига боғлиқ бўлиб қолди. Мухлислар «Ротор» — «Пахтакор» ҳамда ЦСКА — «Гурия» коллективлари учрашувларига катта умид боғлашган эди. Афсуски, пахтакорчилар бу ўйинда имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмадилар. Дарвозадан учта жавобсиз тўп ўтказиб юборишди. Натижада «Ротор» очколарини 55 тага етказиб, назарий жиҳатдан иккинчи йўлланмани «нақд» қилиб қўйди. Шу ўринга асосий даъвогарлардан ҳисобланган пойтахт армиячилари «Гурия» коллективидан устун (5:2) келиб, очколарини 54 тага етказишди. Шундай қилиб, «Гурия» ва «Пахтакор» командалари даъвогарликда чекинишга йўл қўйдилар. Энди якунловчи ўйинларда «Ротор» футболчилари помирчиларни, пойтахт армиячилари Ботуми динамочиларини қабул қилишади. Афтидан иккинчи йўлланма тақдири мана шу икки учрашув натижасига боғлиқ кўринади.

ИККИНЧИ ЛИГА:
КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Иккинчи лиганинг зона ғолиблари ўртасида биринчи лигага ўтиш турнири давом этмоқда. Фарғонанинг «Нефтяник» коллективи куч синашаётган группада Кишиневнинг «Нистру» футболчилари тўрт очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Фарғоналиклар сўнгги икки учрашувни ўз майдонларида ўтказадилар. Қолган икки группада Кутаиси торпедочилари (3 очко), Черновцининг «Буковина» коллективи (4 очко) олдинда бормоқда.

Тошкент шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг 1988 йил 7 ноябрь намойиши тўғрисида

1988 йил 7 ноябрда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллиги байрами шарафига В. И. Ленин номли майдонда Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради ва Тошкент шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг намойиши бўлади.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради соат 10.00 да бошланади.

Таклиф билетлари бўлганларни В. И. Ленин номли майдонга киритиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Махсус пропускага эга бўлган автомашиналардан ташқари барча турдаги транспорт воситалари ҳаракати А. Навоий, Ф. Энгельс, К. Маркс, Ш. Руставели номли, Пролетар кўчаларида, Ўзбекистон проспектида, В. И. Ленин проспектида соат 7.00 да тўхтатилади ва меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг қайта бошланади.

Тошкент метрополитени 1988 йил 7 ноябрь куни эрталаб соат 6.00 дан кечаси 2.00 гача ишлайди. Эрталаб соат 8.00 дан 14.00 гача «Октябрь революцияси» номли станциянинг фақат «чиқиш» қисми ишлайди. Бу вақтда «В. И. Ленин номли майдон» ва «Пахтакор» станциялари ёпиқ бўлади.

ШАҲАР КОМИССИЯСИ.

Редактор ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича профессор ўқитувчилар составидаги

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

Конкурс эълон қилади

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

кафедра мудирлари (фан доктори, профессор, фан кандидати, доцент): радиотехника ва радио системалари, фойдали қазилма конлари, геодезия ва маркшейдерлик, коллоидлар химияси, радиоэлектроника асослари, фойдали қазилма конларида ер ости қазиш ишлари технологияси ва уларни механизациялаш;

профессорлар: электрон-ҳисоблаш машиналари, нефть ва газ конларини тайёрлаш ва ундан фойдаланиш, геология («Палеонтология» мутахассислиги бўйича 0,25 ставка), ижтимоий бинолар ва интерьерларни меъморий планлаштириш (0,5 ставка), ер ости бойликларини очиқ усулда қазиб олиш технологияси ва уни комплекс механизациялаш;

доцентлар: илмий атеизм, фалсафа (2), 2-илмий коммунизм (2), 1-КПСС тарихи (ўзбек тилида ўқитилади), этика, эстетика ва дизайн, совет ҳуқуқи асослари, инглиз тили (0,5 ставка), 1-олий математика (3), механизмлар ва машиналар назарияси, илмий асбобсозлик, амалий математика (2), техникавий кибернетика (2), электрон-ҳисоблаш аппаратураларини конструкциялаш ва ишлаб чиқариш (0,5 ставкадан 2 ўрин), ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш (4 ўриндан 3 таси 0,25 ставкадан), нефть қувурлари, газ омборлари ва нефть базаларини лойиҳалаш ва эксплуатация қилиш (1-тўла ставка ва 0,5 ставка), электр изоляцияси ва кабель техникаси (0,25 ставка), автоматика ва телемеханика, радиотехника ва радиосистемалар, ачитқи ишлаб чиқариши жараёнлари технологияси ва аппаратуралари, ёпишқоқ материаллар химиявий технологияси, химия саноати экономикаси ва уни ташкил этиш (2), минерология ва кристалография, геодезия ва маркшейдерлик, қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш,1-сиёсий иқтисод, тайёрлов бўлимларида ишлаш учун рус тили (чет элликлар учун), 1-рус тили, қазилма бойликлар конларини разведка қилишнинг геофизик методлари (0,25 ставкадан 2 ўрин), меҳнат муҳофазаси, асосий органик ва нефть-химия синтези технологияси, қурилиш конструкциялари, материалшунослик (0,25 ставка), ижтимоий бинолар ва интерьерларни меъморий лойиҳалаш, керамика ва ўтга чидамли материаллар химиявий технологияси (0,5 ставка), учиш аппаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бошқариш, йиғма-темир-бетон ишлаб чиқариши;

катта ўқитувчилар: 1-фалсафа, 2-фалсафа, 1-КПСС тарихи (2 ўриндан бири ўзбек тилида ўқитиш), ижтимоий фанлар, этика, эстетика, дизайн, 1-жисмоний тарбия (3), 2-олий математика, машиналар ва механизмлар назарияси (ўзбек тилида ўқитилади — 2 ўрин), автоматика ва телемеханика, назарий ва умумий иссиқлик техникаси (2), 2-сиёсий иқтисод (2), 1-сиёсий иқтисод (3), рус тили (тайёрлов бўлимида чет элликлар билан ишлаш учун), 1-рус тили (3), қурилиш механикаси ва зилзилага бардошлилик асослари, чет тиллари (немис тили), 2-жисмоний тарбия (3), техникавий кибернетика;

ассистентлар: 2-олий математика (4), 1-олий математика, пайвандлаш ишлаб чиқариши ускуналари ва технологияси, электрон-ҳисоблаш аппаратураларини конструкция қилиш ва ишлаб чиқариш, автоматика ва телемеханика (2), радиотехника ва радиосистемалар (2), электротехниканинг назарий асослари, ачитқи ишлаб чиқариш технологияси, назарий ва умумий иссиқлик техникаси, меҳнат муҳофазаси (қурувчи мутахассислиги бўйича 2 ўрин), саноат корхоналари ва шаҳарлар электр таъминоти, техникавий кибернетика, механик ишлов бериш технологияси, физикавий электроника;

ўқитувчилар: чет тили (немис тили), 2-жисмоний тарбия (2),

КЕЧКИ-СИРТҚИ БЎЛИМ БЎЙИЧА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

доцент: қурилиш ишлаб чиқариши;
катта ўқитувчи: рус тили.

НАМАНГАН ШАҲРИДА

доцентлар: ҳисоблаш техникаси ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм, умумий физика;
катта ўқитувчилар: КПСС тарихи ва фалсафа (2), сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм (3), рус ва чет тиллари (2).

НАВОИЙ ШАҲРИДА

катта ўқитувчилар: умумий таълим фанлари (рус тили), физикавий химия курси бўйича.

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА

кафедра мудирлари: (фан доктори, профессор; фан кандидати, доцент): қурилиш конструкциялари, қурилиш материаллари.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДА

кафедра мудири (фан доктори, профессор; фан кандидати, доцент): саноат ва граждан қурилиши.

ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ҲОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ

доцентлар, қуйидаги курслар бўйича: қурилиш ишлаб чиқаришини бошқариш ва ташкил этиш, «Меҳнат қонунчилиги асослари».

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

профессор: саноатни бошқариш;
доцентлар: саноатни бошқариш (2), қурилишни бошқариш (2);
катта ўқитувчи: саноатни бошқариш.

ЛАБОРАТОРИЯЛАР БЎЙИЧА:

бошлиқлар: ўта товушли аэродинамика илмий-тадқиқот лабораторияси, илмий асбобсозлик кафедраси (фан кандидати);
лаборатория мудири: «Технолог» тармоқ илмий-тадқиқот лабораторияси;
катта илмий ходим: «Ишлаб чиқариш сувларини тозалаш» тармоқ илмий-тадқиқот лабораторияси;
кичик илмий ходим: «Технолог» тармоқ илмий-тадқиқот лабораторияси (3).

Конкурс муддати — 1 декабргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, 49-хона.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР «ОБЛСЕЛЬХОЗХИМИЯ»си, республика колхозлари ва совхозларининг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Суюқ ўғитлар сақланадиган омборда асбоб-ускуналарни жорий ремонтга тайёрлаш ишлари ўтказилиши муносабати билан

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЙИН ЭРИЙДИГАН ВА ЎТГА ЧИДАМЛИ МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ

таркибида сульфат ионлар ва микроэлементлар бўлган суюқ аммиак селитрасини ўз транспортида ташиш шарти билан шошилинч равишда

БЕПУЛ

СОТАДИ

Юқорида кўрсатилган ўғит техника ва сабзавот экинлари ҳосилдорлигини 20 процентга оширади.

Мурожаат учун адрес: 702100, Чирчиқ шаҳри, 19-алоқа бўлими.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/XI да **Куёв**, 5/XI да **Нажот истаб.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/XI да **Хотинимнинг эри.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/XI да **Отасининг қизи** (19.00), 5/XI да **Драматик актёрлар куйлайди** (18.00).

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги «Ўзбекгеология» Бош бошқармасининг Тошкент геология-қидирув техникуми коллективи жисмоний тарбия раҳбари, СССР спорт мастери

Лазиз Азизович МАҚСУДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги коллегияси, Ўзбекистон театр арбоблари союзи правлениеси Союз аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Жўра ҚУЛДОШЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

• Тингланг, томоша қилинг

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

4 НОЯБРЬ, ЖУМА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — А. Зурабов. «Камо монологи». Телевизион спектакль. 2-серия. 10.30 — «Байкад» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 11.15 — Янгиликлар. 11.25 — Инсон ва қонун. 11.55 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — «Рябинушка» вокал триоси куйлайди. 16.40 — Тарих саҳифалари. 17.10 — Нега ва нима учун? 17.40 — Инсон. Ер. Коинот. 18.40 — Иқтисодий билимлар асослари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Оқ уйга ким киради. 20.05 — «Камо монологи». Спектакль. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Аншлаг, Аншлаг! 23.25 — Фидойи шахслар. 00.10 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — «Смольний. Ленин кабинети. 9.35 — А. С. Пушкин. Шоҳ Султон ҳақида эртак. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — Компьютер билан мулоқот. 11.50 — Инглиз тили. 12.20 — Совет тасвирий санъати. 13.05 — «Сирли махбус». Бадиий фильм. 14.35 — Фильм-концерт. 15.30 — Янгиликлар. 15.40 — «Ҳаёт чизғи», Бадиий фильм. 16.45 — Ксения Георгиади куйлайди. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильм. 18.55 — К. Дебюси. Виолончель ва фортепьяно учун сонета. 19.10 — «Қашқирлар учун қопқон», Бадиий фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Фигурали учиш. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Футбол. «Локомотив» — «Днепр», «Динамо» (Киев) — Динамо (М). 23.50 — Янгиликлар. 24.00 — Телевизион музикали абонемент.

ЎзТВ-I. 15.00 — Ўртоқ Ленининг сўзи. 16.00—«Белое узра момақалдироқ». Бадиий фильм. 17.30 — Физика. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Ўзбекистон мультипликаторлари — болаларга. 18.45 — Ёшлик. 19.20 — Хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш йўлидан. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Долзарб интервью. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қалб наволари — сизга. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Канадада Ўзбекистон кунлари.

ЎзТВ-II. 19.25 — «Уч кун ва икки йил». Бадиий фильм. 20.30 — Совет киноси усталари. Душанба. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Рақси зеборо бубин. 23.05 — «Зудов, сиз ишдан бўшатилдингиз!». Бадиий фильм.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.30 — Чолғу куйлари. 9.45 — Халқ контроли радиопости. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 11.15 — Юность. 12.10 — Ўзбекистон бинокори. 12.30 — СССР халқ артисти З. Хонларова куйлайди. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Э. Колмановский қўшиқлари. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — «Ғунча» — «Юлдузча» меҳмони. 15.50 — Болалар учун концерт. 16.00— Дўстларимиз овози. 18.15 — Бизнинг социалистик турмуш тарзимиз. 18.30 — Ўзбек балетларидан рақс куйлари. 18.40 Инсон ва қонун. 19.20 — Оғонёк. 20.15 — В. И. Ленин асарларини ўрганамиз. 20.30 — Шу куннинг қўшиқлари. 21.00 — Пахтакорларнинг талабларига биноан музикали программа. 22.45 — Бугун радиотеатрда.

• Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/XI да **Корсар**, 5/XI да **Концерт.**

Р. — 11089. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 254. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12